



Маъмурий ислохотлар концепцияси мазмун-моҳияти

Халқаро пресс-клуб сессиясида Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислохотлар концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги Фармони мазмун-моҳияти муҳокама этилди.

Тадбирда сўз олган Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ўринбосари Бекзот Мавлонов, Адлия вазири ўринбосари Есемурат Канъазов, Германия халқаро ҳамкорлик ҳамжамияти дастур раҳбари Йорг Пуделька, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси кафедра мудири Гулчехра Маликова ва бошқалар мазкур ҳужжатнинг қабул қилиниши 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини амалга ошириш ҳамда мамлакатимизнинг дав-

лат ва жамият қурилишидаги янги саҳифасини очиб берганлигини таъкидладилар.

Концепцияда белгиланган маъмурий ислохотларнинг асосий йўналишлари – ижро ҳокимияти органлари фаолиятининг институционал ва ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш, уларнинг вазифаларини, амалга ошириш механизмларини ва жавобгарлик соҳаларини аниқлаштириш, иқтисодиёт соҳаларига қаратилган маъмурий таъсирларни қисқартириш ва бошқарувнинг бозор механизмларини кенгайтиришдан иборат.

(Давоми 2-бетда).

Манфаатли бизнес ҳамкорлик

Пойтахтимиздаги «Radisson Blu Hotel Tashkent» меҳмонхонасида Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси, Савдо-саноат палатаси, Конрад Аденауэр номидаги жамғарма ҳамкорлигида Марказий Осиёдаги Германия иқтисодиёти ваколатхонаси ташаббуси билан икки давлат ишбилармонлари иштирокида «Ўзбекистон – Германия: ўзаро манфаатли бизнес ҳамкорликни мустаҳкамлаш» мавзуда бизнес форум этилди.



Ўзбекистон Республикаси билан Германия Федератив Республикаси ўртасида савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорликни янада ривожлантиришга бағишланган тадбирда икки мамлакатнинг вазирлик ва идоралари, шунингдек, йирик компания ва корхоналари вакиллари иштирок этди.

Бизнес форумда Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари Лазиз Қудратов,

Савдо-саноат палатаси раисининг ўринбосари Ботиржон Асадов, Марказий Осиёдаги Германия иқтисодиёти ваколатхонаси раҳбари Йорг Хетчсўза чиқиб, икки мамлакат ўртасидаги алоқалар кўплай соҳаларда, шу жумладан, савдо-иқтисодий ва инвестицион йўналишда ҳам изчил тараққий этиб бораётганини қайд этиб ўтдилар. Хусусан, бунга 2016 йилда икки давлат ўртасидаги ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 520 млн. АҚШ долларидан зиёдни таш-

кил этаётгани ҳам ёрқин мисолдир. Шунга қарамай, мамлакатларимиз ўртасида ҳали ишга солилмаган кўплай йўналишлар борки, улар ҳусусида ўзаро музокаралар олиб бориш, ҳамкорлик кўламини янада кенгайтириш икки томон учун ҳам фойдадан холи бўлмайди. Айни шу жиҳатдан бугун ташкил этилган бизнес форум ҳам келгусида икки мамлакат муносабатлари ривожидан айни мuddаодир.

(Давоми 4-бетда).

Эркин валюта сиёсатида ўтиш жараёнида вужудга келиши мумкин бўлган салбий таъсирларни юмшатиш бўйича

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан валюта курсининг эркинлаштирилиши натижасида тижорат банклари кредит портфелининг хорижий валютадаги қисми бўйича вужудга келиши мумкин бўлган ўзгаришлар ва уларнинг салбий оқибатларини бартараф этиш юзасидан амалга оширилиши лозим бўлган ишлар таҳлил этилди.

Марказий банк валюта сиёсатини либераллаштириш натижасида вужудга келиши мумкин бўлган салбий таъсирларни юмшатиш мақсадида тижорат банклари Бошқарувларига:

- хорижий валютада кредит олган ҳар бир мижоз билан биргаликда ушбу кредитларни қайтариш имкониятларини ўрганиб чиқиш;
- ўрганиш натижасида мижознинг пул оқими амалдаги кредит шартномаси бўйича ўз мажбурияти-

ни амалга оширишга етмасдан қарздор, мижоз билан биргаликда, ойлик тўловни 2017 йилнинг сентябрь ойига қадар амалга оширилган тўлов миқдоридан камайтирмаган ҳолда, асосий қарзни қайтариш миқдорини кейинги муддатларга ўтказиш орқали камайтириш ёки кредитни қайтариш муддатини узайтириш юзасидан кредит шартномасига тегишли ўзгаришлар киритиш масаласини кўриб чиқишни тавсия қилди.

Якка тартибдаги тадбиркорлар ва фермер хўжаликларининг банкдаги ҳисобварақларидан чет эл валютасини нақд кўринишда ечиб олиш имконияти

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 2 сентябрдаги «Валюта сиёсатини либераллаштириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги 5177-сонли Фармонини ижро этиш учун Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг қарорига мувофиқ, Тижорат банклари томонидан хорижий валютадаги ҳисобварақларни юритиш тартибига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди (1998 йил 22 октябрь, 511-сон).

Юқорида қайд этилган ўзгартириш ва қўшимчаларга кўра, чет эл валютасида даромад олувчи юридик шахс ташкил этмасдан фаолият кўрсатувчи якка тартибдаги тадбиркорлар ва фермер хўжаликларига ўз маблағларини эркин тасарруф қилишларини кафолатлаш мақсадида уларнинг банк ҳисобварақидан чет эл валютасини нақд кўринишда олиш ҳуқуқи берилди.

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки Матбуот хизмати.

УШБУ СОНДА:

Долзарб мавзу
Ёшлар
тадбиркорлиги
молиявий мадад.
6-7-бетлар.



Қонунчилик
Ўзбекистон
Республикаси
янги меъёрий-
ҳуқуқий
ҳужжатлари.
8-бет.



Статистика ва таҳлил
«Ўзбекистон Республикаси
товар-хомашё биржаси»
АЖ ва «Тошкент»
РФБ савдоларидаги
ўзгаришлар.
10-11-бетлар.



**Маъмурий
ислохотлар
концепцияси**

МАЗМУН-МОҲИЯТИ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Тадбир иштирокчилари муҳокама-лар чоғида вертикал бошқарув тизими ва ижро ҳокимияти органларининг ўзаро ҳамкорлигини қатор механизмлар, жумладан, давлат бошқаруви тизимига стратегик режалаштиришнинг замонавий шакллари, инновацион ғоялар, ишланма ва технологияларни жорий қилиш ҳамда профессионал давлат хизматининг самарали тизимини шакллантириш, шунингдек, коррупцияга қарши курашишнинг таъсирчан механизмларини ўрнатиш асосида такомиллаштириш лозимлигини қайд этди.

Ушбу вазифаларни рўйга қиаришда давлат хизматининг шаффофлиги ва очиқлигини таъминлаш, халқ билан очиқ мулоқот ўрнатишнинг янги механизмларини жорий қилиш ҳамда давлат хизматчиларининг меҳнатига ҳақ тўлаш ва ижтимоий таъминотининг замонавий тизимини яратиш орқали меҳнат унумдорлигини ошириш назарда тутилган.

– Концепцияда белгиланган чоратadbирларни амалга ошириш, давлат бошқаруви тизими, мамлакатнинг инновацион ривожланиш тенденцияларини ва жаҳон стандартларини ҳисобга олган ҳолда модернизация қилишга янги куч бағишлайди, – дейди **адлия вазир Уринбосари Есемурат Канъазов**. – Давлат раҳбари ташаббуси билан қилинаётган ислохот фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашнинг таъсирчан механизмларини яратди, халқнинг фаровонлиги ва давлат органларининг фаолиятдан, улар томонидан кўрсатилаётган хизматлардан қаноат ҳосил қилиш даражасини оширади. Пировардида, республикада маъмурий ислохотларни амалга ошириш «Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак», деган эзгу ғоя ҳаётга тўлиқ татбиқ этилишига олиб келади.

Назира **МАВЛОНОВА**.

Мамлакат ҳудудида транспорт экспедицияси шартномалари бўйича чет эл валютасида ҳисобкитобларни амалга ошириш

Мамлакат ҳудудида транспорт экспедицияси шартномалари бўйича чет эл валютасида ҳисобкитобларни амалга ошириш тўғрисида келиб тушаётган мурожаатлар юзасидан Ўзбекистон Республикаси Марказий банки қуйидагиларни маълум қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 2 сентябрдаги «Валюта сийёсатини либераллаштириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги 5177-сонли Фармонида кўра, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида товар (иш ва хизмат)лар учун тўловларни чет эл валютасида амалга ошириш тақиқланади, халқаро тажрибага мувофиқ халқаро тўлов карталари орқали тўловлар бундан мустасно.

Шу билан бирга, ушбу Фармон билан товар, иш ва хиз-

матлар учун нарх ва тарифлар, шунингдек, жамиятларнинг устав капиталига қўйиладиган минимал талаблар фақат миллий валютада белгиланиши қайд этилган.

Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида транспорт экспедицияси шартномалари (юкларни етказиб бериш манзилдан қатъи назар) бўйича ҳисоб-китоблар фақат Ўзбекистон Республикаси миллий валютасида амалга оширилиши лозим.

Ўз навбатида, чет эллик юк ташувчиларнинг хизматлари учун тўловни амалга ошириш жорий халқаро операция ҳисобланади ва у бўйича резидент юридик шахслар томонидан чет эл валютасини сотиб олиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 10 июлдаги 294-сон қарори билан тасдиқланган «Биржадан ташқари валюта бозорида хорижий валютани харид қилиш ва сотиш операцияларини ўтказиш тартиби тўғрисида низом»га асосан амалга оширилади.

Мамлакат ҳудудида воситачилик (комиссия) шартномалари бўйича чет эл валютасида ҳисобкитобларни амалга ошириш

Мамлакат ҳудудида воситачилик (комиссия) шартномаси асосида чет эл валютасида ҳисоб-китобларни амалга ошириш тўғрисида келиб тушаётган мурожаатлар юзасидан Ўзбекистон Республикаси Марказий банки қуйидагиларни маълум қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 2 сентябрдаги «Валюта сийёсатини либераллаштириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги 5177-сонли Фармонида кўра, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида товар (иш ва хизмат)лар учун тўловларни чет эл валютасида амалга ошириш тақиқланади, халқаро тажрибага мувофиқ халқаро тўлов карталари орқали тўловлар бундан мустасно.

Шу билан бирга, ушбу Фармон билан товар, иш ва хизматлар учун нарх ва тарифлар, шунингдек, жамиятларнинг устав капиталига қўйиладиган минимал талаблар фақат миллий валютада белгиланиши тартиби ўрнатилган.

Ўзбекистон Республикасининг «Валютани тартибга солиш тўғрисида»ги

Қонуни 18-моддаси 2-қисмига биноан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида чет эл валютасида ҳисоб-китоб ва тўловларни амалга ошириш норезидентлар билан товарларни бошқага ўтказиш, ишлар бажариш, хизматлар кўрсатиш тўғрисида шартномалар тузиш ва уларни бажариш билан боғлиқ хизматлар комиссиянерлар (агентлар) томонидан кўрсатилаётганда комиссиянерлар (агентлар) ва комитентлар (принципаллар) ўртасида амалга ошириладиган операцияларда йўл қўйилади.

Шу билан бирга, Фуқаролик кодексининг 832-моддасига биноан воситачилик шартномаси бўйича бир тараф (воситачи) иккинчи тарафнинг (комитентнинг) топшириғи бўйича ўз номидан, бироқ комитент ҳисобидан бир

ёки бир неча битимни ҳақ эвазига тузиш мажбуриятини олади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида комиссиянерлар (агентлар) ва комитентлар (принципаллар) ўртасида чет эл валютасида маблағларни ўтказиб беришга қуйидаги ҳолатларда йўл қўйилади:

– экспорт операциялари бўйича, комиссиянерлар (агентлар) томонидан чет элдан олинган ва комиссия шартномаси бўйича комитентнинг ҳисобварағига ўтказиб берилиши лозим бўлган маблағларни ўтказишда;

– импорт операциялари бўйича, комиссиянерлар (агентлар) томонидан комитентлардан олинган ва комиссия шартномаси бўйича чет элга ўтказиб берилиши лозим бўлган маблағларни ўтказишда.

Бунда комиссиянерларнинг (агентларнинг) кўрсатган хизматлари учун воситачилик ҳақи фақат миллий валютада ўрнатилиши ва ундирилиши лозим.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Матбуот хизмати.

● 1 октябрь – Ўқитувчи ва мураббийлар куни

Устоз-шогирд анъаналари давомчиси

Кўпинча устоз ва мураббийлар деганда мактаб ва олийгоҳларда дарс берадиган муаллимлар кўз олдимизга келади. Аммо, бу сўзларнинг моҳиятига чуқурроқ назар солсак, ҳар бир касбга дахлдор эканига гувоҳ бўлаемиз.

Бугун қайси соҳа бўлмасин, устоз-шогирд анъаналари давом этмоқда. Жумладан, банк тизимида ҳам бу амалиёт неча йиллардан бери ўз аҳамиятини йўқотгани йўқ. Устозлар ўғитини ҳеч қачон ёдидан чиқармай, ўзи ҳам устоз даражасига етган инсонлардан бири – Акциядорлик тижорат Халқ банкининг Потеряларни ташкил этиш бошқармаси бошлиғи Тоҳир Исломов билан суҳбатимиз шулар хусусида бўлди.

Мана 25 йилдирки, Тоҳир ака банк тизимининг турли лавозимларида фаолият юритиб келмоқда. Ҳалол ва меҳнаткашлиги сабаб жамоа ичида озми-кўпми обрў топди. Бугун ҳамкасблари у кишини фойдий, соҳанинг етук билимдонларидан деб билишади.

Тоҳир ака эндиликда устозлари изидан бориб, ўзи

ҳам кўплаб ёш кадрларга соҳанинг сир-асрорларини ўргатиб келмоқда.

– Бу тизим менга кўп ҳаётий ўғитларни берди. Шу соҳада оқ-қорани танидим. Турли тоифадаги одамлар билан муносабатга киришишни, хушмуомалаликни ўргандим, энг асосийси, доим миждозлар манфаати, халқ манфаати биринчи ўринда эканини англаб етдим.

Суҳбатдошимиз илк бор Халқ банкига ишга келганини ёдга олиб, шундай дейди:

– Биринчи иш кунимдаёқ ҳақиқий устозларга рўбарў бўлганман. Абдураҳим ака деган ҳамкасбимиз бўларди. Мени ёнига чақириб, савол-жавоб қилди-да, «доим ҳалол бўл, ўз устингда тинимсиз ишла, ҳеч қачон меҳнатдан қочма, ҳар бир ишга масъулият билан жиддий ёндаш», дея бир қанча ўғитлар берди. Бу гаплар аввалига оддий насихатдек туюлди. Бироқ фаолиятим давомида шунга амин бўлдимки, устозим ҳаётим давомида асқотадиган ўғитларни берган экан. Иш жараёнида унинг ўғитлари доим менга ҳамроҳ бўлди. Панд-насихатларига қулоқ тутиб, кўп яхшиликлар кўрдим. Қолаверса, устозлардан касбнинг сир-синуотларини, нозик қирраларини ўзлаштирдим.



**Устозлар,
байрамингиз
муборак
бўлсин!**

Кишини оилада ота-она катта ҳаёт йўлида тарбияласа, устозлар касб пиллапояларидан зинамазана чиқишни ўргатишига амин бўлдим. Бунинг учун улардан миннатдорман.

Тоҳир ака Исломов фаолияти давомида шогирдликдан устозлик даражасига етиб, йиллар давомида жамоадаги кўплаб ёш мутахассисларга бой тажрибасини улашиб келмоқда.

– Биз қанчалик устозлар даражасига

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ
ҚАРОРИ**

Банкларни рўйхатга олиш ва улар фаолиятини лицензиялаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2017 йил 15 сентябрда 2014-12-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди.

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 2 сентябрдаги 5177-сонли «Валюта сиёсатини либераллаштириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2009 йил 15 августдаги 23/3-сонли қарори (рўйхат рақами 2014, 2009 йил 8 октябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 41-сон, 447-модда) билан тасдиқланган Банкларни рўйхатга олиш ва улар фаолиятини лицензиялаш тартиби тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ўзбекистон Республикаси

Марказий банки раиси

М. НУРМУРАТОВ

Тошкент ш.,

2017 йил 9 сентябрь,

23/2-сон

Ўзбекистон Республикаси

Марказий банки Бошқарувининг

2017 йил 9 сентябрдаги 23/2-сонли қарорига

ИЛОВА

Банкларни рўйхатга олиш ва улар фаолиятини лицензиялаш тартиби тўғрисидаги низомга киритилаётган ўзгартиришлар

1. 25-банд куйидаги тахрирда баён этилсин:

«25. 2017 йил 1 октябрдан бошлаб тижорат банклари устав капиталининг энг кам миқдори 100 млрд. сўм миқдориде белгиланади. Фаолият кўрсатаётган тижорат банклари 2019 йилнинг 1 январига қадар ўз устав капиталини ушбу миқдорга етказишлари лозим.»

2. 64 ва 81-бандлар ўз кучини йўқотган деб топилсин.

3. 65-бандда:

саккизинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

тўққизинчи ва ўнчинчи хатбошилар тегишлича саккизинчи ва тўққизинчи хатбошилар деб ҳисоблансин.

етдик, билмадим. Аммо ўз тажрибамизни ёш кадрлар билан ўртоқлашиб, билганларимизни ўргатиб, устозлар ўгитини етказиб келяпмиз. Баъзан насиҳат қилиб, баъзан эса қаттиққўллик билан тушунтириб, тўғри йўналиш беришга ҳаракат қиламиз.

Дарҳақиқат, барча соҳалар каби банк тизимида ҳам кадрлар масаласи, хусусан, уларни танлаш ва жой-жойига қўйиш ўта жиддий ва устувор вазифалардан биридир. Бу борада юқори самарадорликка эришиш мақсадида тижорат банклари, жумладан, АТ Халқ банкида «Устоз-шогирд» мактаби йўлга қўйилган. Устоз Тоҳир Исмолов банкда ана шундай анъана давомчиларидан ҳисобланади.

– Бугунги ёшлар банк соҳасига жуда иштиёқманд. Бирок, фаолиятида бунинг ўзи камлик қилади. Ҳаёт ва иш тажрибаси, билимлар йиғиндиси эса доим ўз сўзини айтади. Шунинг учун раҳбарият ёшларнинг шахсий қобилияти, иқтидори ва билим салоҳиятларига қараб лавозимга тайинласа, биз ўз тажрибаларимиз асосида зиммаларидаги мажбуриятларнинг амалий жиҳатларига кўмаклашамиз, ташкилий масалаларга жалб қиламиз.

Тоҳир ака Исмолов билан суҳбатлашарканмиз, самимий, дилидагини очик айтадиган, касбининг чинакам фидойиси эканига амин бўлдик. Эътибор берсак, бугун у кишига ўхшаган миллионлаб турли соҳа вакиллари юртимиз равнақи учун тиним билмай меҳнат қилиб, ёшларга ҳаёт ва касб сир-асрорларидан сабоқ бермоқда. Шундай онларда уларга қарата: ҳеч ҳориманг, умрингиз сермазмун ва доим чароғон бўлсин, меҳрибон устозлар, дегинг келлади.

Бобур МУҲАММАДИЕВ.

ТИФ Миллий банкида Етакчилар кенгаши тузилди

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банкида Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг мазкур муассасадаги Етакчилар кенгаши таъсис йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон ёшлар иттифоқидан вакиллар, банк раҳбарияти ва ёш ходимлари иштирок этди.



Мамлакатимизда ёшларнинг ҳаётда ўз ўрнини топиши учун муносиб шароит яратиши, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, касбга йўналтириш ва бандлигини таъминлаш, илм-фан ва бизнес йўналишидаги ташаббусларини рағбатлантириш борасида кенг қўламли ишлар олиб борилмоқда.

Президентимизнинг «Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини қўллаб-қувватлаш тўғрисида»ги Фармони ҳамда «Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини такомиллаштиришга қаратилган комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори ушбу йўналишдаги ишларни янги босқичга олиб чиқди.

Тадбирда сўз олган ТИФ Миллий банки бошқаруви раисининг биринчи ўринбосари Нодирбек Сайдуллаев, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи раисининг биринчи ўринбосари Муроджон Зуфаров ва бошқалар ушбу ҳужжатлар маънавий етуқ ва жисмонан соғлом, баркамол авлодни вояга етказиши, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш борасида жойларда, аваламбор чекка худудларда истикомат қилаётган кўп сонли ёшларнинг ўз иқтидор ва истеъ-

додини рўёбга чиқаришлари, тадбиркорлик фаолияти билан шугулланишлари учун кенг шароитлар яратиши, уларни турли зарарли иллат ва ёт ғоялар таъсиридан ҳимоя қилиши, ёшлар ўртасида ҳуқуқ-бузарликларнинг барвақт олдини олиши каби муҳим чора-тадбирларни ҳал этишда ташкилот ва муассасалар ҳамда кенг жамоатчилик ўртасида ҳуқуқий кўприк вазифасини бажариши билан аҳамиятли эканлигини таъкидладилар.

– Бугунги кунда банкимиз тизимида 3 мингдан зиёд ходимлар фаолият юритаётган бўлса, уларнинг қарийб 60 фоизини ёшлар ташкил этади, – дейди ТИФ Миллий банки бошқаруви раисининг биринчи ўринбосари Нодирбек Сайдуллаев. – Эътиборлиси, ёш ходимларимизнинг кўпчилиги юқори лавозимларда ишлаб келмоқда. Мана шундай юқори салоҳиятли ёшларимизни қўллаб-қувватлаш, рағбатлантириш, бошқаларга ўрнак қилиб кўрсатиш учун муассасамизда алоҳида чора-тадбирлар амалга оширилиб келинади. Эндilikда Ўзбекистон ёшлар иттифоқи билан ҳамкорлигимиз бу борадаги ишларимизни янада кучайтиришга, унинг самарадорлигини оши-

риш ва қисқа фурсатда натижасини кўришга хизмат қилади, деган умиддамиз.

Айтиш жоиз, банк ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий кенгаши ўртасида ТИФ Миллий банки тизимида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга ошириш, Етакчилар кенгаши ва бошланғич ташкилот фаолиятини йўлга қўйиш ва фаоллаштириш бўйича қўшма қарор имзоланган. Бу банк тизимида фаолият юритаётган ёш мутахассисларга бир қатор имтиёз ва қулайликлар ҳамда самарали меҳнат қилишлари учун шарт-шароитлар туғдиради.

Йиғилишда Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ТИФ Миллий банкидаги Етакчилар кенгаши фаолиятини йўлга қўйиш ва унинг раҳбар органини сайлаш масалалари муҳокама қилинди. Қатнашчиларга Ёшларга оид давлат сиёсати доирасида амалга оширилаётган ислохотлар, рўй бераётган ўзгариш ва янгиланишлар тушуштирилиб, истиқболдаги масалалар, Етакчилар кенгаши ва бошланғич ташкилот фаолиятининг вазифалари хусусида маълумот берилди.

Унда Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг ТИФ Миллий банкидаги Етакчилар кенгаши раиси этиб Равшан Маҳмудов сайланди.

– Бундай юксак даражадаги ишонч учун банк раҳбариятига миннатдорчилик билдираман, – дейди Р.Маҳмудов. – Албатта, бу менда фахр ва ғурур туйғусини уйғотиши билан бирга, зиммамга ўта масъулиятли вазифа юкланганини ҳам ҳис қилиб турибман. Уларни аъло даражада бажариб, жамоа, хусусан, тенгдошларим олдида юзим ёруғ бўлишига астойдил ҳаракат қиламан.

Юлдуз ЗОКИРОВА.

БАНКЛАРДАН ХАБАРЛАР

«ИПОТЕКА-БАНК» ТОМОНИДАН «INDOOR-TO'LOV'LAR» ТАКЛИФ ЭТИЛМОҚДА

«Ипотека-банк» акциядорлик тижорат ипотека банки «Click» компанияси билан ҳамкорликда «Indoor-to'lovlar» хизматини жорий қилди.

Унинг ёрдамида юридик шахслар ва яқка тартибдаги тадбиркорлар тўловларни пластик карталар орқали тўлов терминалисиз амалга ошириб келмоқда.

Ушбу хизмат доирасида амалга оширилган тўловларни кириш қилиши учун миқоз банк филиалига бориб, ҳисобварақ очган ҳолда виртуал терминалга уланиши лозим.

Мазкур хизмат ёрдамида харидорлар тўловларни ўз мобил телефонлари орқали тўридан-тўри миқоз ҳисобварақига ўтказиши мумкин. Тўловнинг бажарилгани ўша заҳоти миқознинг «Шахсий кабинет»ида акс этиб, бу ҳақда банк томонидан «СМС хабар» бериллади.

Бундай тўловларни амалга ошириш учун интернетга уланиш шарт эмас. Яна бир эътиборли томони, бунда тўловлар электр таъминотисиз ҳам амалга оширилади.

«ЎЗСАНОАТҚУРИЛИШБАНК» ДАН ЯНГИ ИНТЕРАКТИВ ХИЗМАТ

«Ўзсаноатқурилишбанк» акциядорлик тижорат банки хорижга картадан-картага валюта жўнатиш хизматини ишга туширди.

Янги хизмат миқозга конверсия картасидаги валютани хориждаги шахс конверсия картасига жўнатиш имконини беради.

Маблағни ўтказиш учун жўнатувчи ва қабул қилувчининг конверсия картаси «Ўзсаноатқурилишбанк» АТБ филиалида (исталган) очилган бўлиши лозим. Банкнинг конверсия амалиётлари бўлимида қайд этилганидек, карта 3 иш кунли давмида очилади.

Конверсия картасига тушириладиган маблағ миқдорига чеклов белгиланмаган.

Ушбу пластик картани терминал бор бўлган ҳамма жойда: хох у дўкон, дорихона ёки хизмат кўрсатувчи ташкилот бўлсин, ишлатса бўлади.

Ширин БАЙСЕНОВА.

Манфаатли бизнес ҳамкорлик

(Давоми. Бошланиш 1-бетда).

Таъкидлаш жоизки, ҳозирда Ўзбекистонда Германия сармоёси иштирокидаги 113 та корхона фаолият юритаётган бўлиб, улардан 27 таси тўлиқ хорижий капиталга эга корхоналардир. Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитасида Германиянинг 31 та фирма ва компаниялари ваколатхоналари аккредитациядан ўтган.

Ўзбекистон ва Германия Федератив Республикаси ўртасидаги савдо алоқаларини ривожлантириш борасида кенг имкониятларни яратиш тартиби жорий этилган. Бунда Савдо ва инвестициялар бўйича ҳукуматлараро ишчи гуруҳи ҳамда Германия – Ўзбекистон ишбилармонлар кенгашининг фаолияти икки давлат ўртасидаги ҳамкорлик ривожининг муҳим механизмларидан бири сифатида алоҳида аҳамиятга эга бўлмоқда.

– Транспорти ва логистика хизматларини кўрсатишга их-

тисослашган корхонамиз мана 15 йилдирки, Марказий Осиё худудида муваффақиятли фаолият кўрсатиб келмоқда, – дейди Германиянинг Гамбург шаҳридаги «Mangal Transport & Shipping GmbH» компанияси директори Азгархил Мангал. – Германиялик ишбилармонлар делегацияси сафида юртингизда тўрт кундан буён турли вазирлик ва идоралар, хусусий корхоналарда бўлиб, ҳамкорлик юзасидан учрашувлар ва музокаралар олиб бордик. Ўзбекистонда давлатингиз раҳбари ташаббуси билан барқарор бизнесни ташкил этиш ва ривожлантириш юзасидан барча шарт-шароитлар ва имкониятлар яратилаётганига гувоҳ бўлдим. Мамлакатларимиз ўртасида ўзаро ишонч, ҳамкорлик ва манфаатдорликка асосланган стратегик шериклик муносабатларини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу боис бизнинг компания ҳам иқтисодиётнинг турли соҳалари, шу жумладан, транспорт, логистика, қишлоқ

хўжалигида замонавий технологиялар билан боғлиқ янги лойиҳаларни татбиқ этишни мақсад қилганмиз. Бу борада бизга барча имкониятлар ҳозирлаётган ва хайрихоҳлик билдираётган Ўзбекистон раҳбариятига миннатдорлик билдираман. Тадбирда Ўзбекистон ва Германиянинг 100 дан ортиқ корхоналари вакиллари қатнашди. Германиянинг «Schaeffler» МЧЖ, «KHS GmbH», «Robert Bosch», «WILLO SE», мамлакатимизнинг «Ўзбек-энерго» АК, «Ўзавтосаноат» АК, «Ўзбекингилсаноат» АК, «Ўзқурилишматериаллари» АЖ каби йирик компаниялари шулар жумласидандир.

Бизнес форум давомида Ўзбекистоннинг иқтисодий ва сармоявий салоҳиятига оид тақдимотларда мамлакатимизда амалга оширилаётган туб ислохотлар ва ўзгаришлар мазмун-моҳияти кенг очиб берилиб, Германия компаниялари ҳамкорлигида амалга оширилиши мумкин бўлган лойиҳалар муҳокама этилди.

Бекзод АКРОМОВ.

«Ўзбекчармпойабзали» салоҳияти намойиш этилди

Жорий йилда Инвестиция дастури доирасида юртимизда чет эл сармояси иштирокида терини чуқур қайта ишлашга ихтисослаштирилган илғор корхоналар фаолиятини йўлга қўйиш учун 94 млн. АҚШ доллари миқдорида инвестиция жалб этилиши кўзда тутилган.



Бу ҳақда пойтахтимизда бўлиб ўтган «Чарм, пойабзал, кийим ва аксессуарлар – UzCharmExpo – 2017» ҳамда «Махсус пойабзал ва индивидуал ҳимоя воситалари – MaxsusExpo – 2017» халқаро кўرғазмаларининг очилиш маросимида айтиб ўтилди.

«Ўзбекчармпойабзали» уюшмаси томонидан турли вазирлик ва идоралар кўмағида ташкил этилган тадбирда юздан ортиқ маҳаллий ҳамда хорижий компаниялар ўз маҳсулотлари намуналари билан иштирок этди.

(Давоми 10-бетда).

«Трастбанк»: мақсадли сармоя – иқтисодиёт таянчи

Хусусан, 2017 йилнинг 8 ойи давомида «Трастбанк» ХАБ томонидан инвестиция мақсадларида ажратилган инвестициявий кредитлар миқдори 111,3 млрд. сўмни ташкил этди. Банк томонидан ёшларни, айниқса, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини бизнесга жалб қилиш учун бугунги кунга қадар 2,6 млрд. сўм миқдорида маблағ йўналтирилди.


2017 йилнинг 1 сентябрь ҳолатига кўра, банк томонидан ажратилган кредитларнинг умумий ҳажми 734,3 млрд. сўмни ташкил этди. Бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 1,3 баробарга кўп демасди.

Президентимизнинг 2017 йил 23 февралдаги «Тадбиркорларнинг ишлаб чиқариш майдонларидан фойдаланишларини янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ижроси юзасидан Андижон вилоятида изчил ишлар йўлга қўйилди. Бугунги кунда фармацевтика соҳасини ривожлантириш, аҳоли ва даволаш муассасаларини сифатли, самараси юқори ва хавфсиз дори-дармон воситалари билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг Андижон вилояти сайловотида учрашувларида сўзлаган нутқлари, «Ўзфармсаноат» компанияси ва тижорат банклари томонидан 2017-2018 йилларга мўлжалланган фармацевтика соҳасини ривожлантириш дастури лойиҳасига кўра, «Трастбанк» ХАБ томонидан Андижон туманида «ZAMIN BIO HEALTH» масъулияти чекланган жамиятида йиллик қуввати 10 млн. флакон инсулин ишлаб чиқаришга ихтисослашган лойиҳа амалга оширилиши мақсад қилинган.

Шунга кўра, давлатимиз раҳбарининг Андижон вилояти Андижон туманидаги 1,5 гектар ер майдонида «ZAMIN BIO HEALTH» МЧЖ томонидан дори воситалари, яъни «Инсу-

Юртимизда иқтисодиётни ислоҳ қилиш, фаол инвестиция сиёсатини юритиш ҳисобига етакчи тармоқларни модернизациялаш ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантиришни рағбатлантириш асосида ҳар йили минглаб иш ўринлари яратиш йўлидаги изчил ислохотлар жараёнида «Трастбанк» хусусий акциядорлик банки ҳам ўз ҳиссасини кўшмоқда.



лин» ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш борасида берган тавсияларига кўра, «Трастбанк» ХАБ томонидан ишлаб чиқаришни ташкил этиш мақсадида 2016 йилнинг октябрь ойида 7 млрд. 500 млн. сўм миқдорида кредит маблағлари ажратиш юзасидан қарор қабул қилинган эди.

Хусусан, импорт ўрнини қоплаш мақсадида четдан келтирилаётган қатор замонавий шифо воситаларини юртимизда ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш ҳамда бошланғич сармоя киришти тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйишда муҳим омил саналади.

Ўтган давр мобайнида банк ва корхона ўртасида кредит ажратилиши юзасидан имзоланган шартномага кўра тақдим қилинган 7 млрд. 500,0 млн. сўмлик мазкур кредит корхона томонидан тўлиқ ўзлаштириб бўлинди ва ушбу маблағлар Хитойдан замонавий ускуналар олиб келиш учун конвертация қилиб берилди.

Мазкур лойиҳа доирасида банк томонидан ажратилаётган кредит-

лар ҳисобига Андижон вилоятида янги иш ўринлари яратилаётгани муҳим аҳамият касб этади.

«Трастбанк» ХАБ томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга жорий йилнинг 8 ойи давомида 385,4 млрд. сўмлик кредит маблағлари ажратилди. Ушбу сармоялар ҳисобига соҳага доир 1015 та лойиҳа ишга тушди, 479 та иш ўрни яратилди.

– Бизнес лойиҳамиз асосан қандли диабет билан касалланган беморлар учун барча турдаги «Инсулин» дори воситаларини ишлаб чиқаришга мўлжалланган, – дейди корхона раҳбари Авазбек Низомов. – Ҳозиргача Ўзбекистон бу турдаги дори воситаларини чет мамлакатлардан импорт ҳисобига олиб келган. Мазкур лойиҳамиз нафақат Ўзбекистонда, балки Марказий Осиёда ягона ҳисобланади. Бу лойиҳа доирасида Президентимиз томонидан экспортни ривожлантириш ҳамда мамлакатимиз аҳолисига тўлиқ ҳажмда дори воситасини етказиб бериш борасида ама-

лий тавсиялар берилгани биз учун айн мудио бўлди.

Биз фармацевтика маҳсулотлари ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш мақсадида «Трастбанк» ХАБнинг Андижон филиалига 7 млрд. 500 млн. сўмлик кредит олиш ташаббуси билан мурожаат қилдик. Банк томонидан ушбу гоёмиз қўллаб-қувватланди. Заводнинг ишга туширилиши 2017 йилнинг декабрь ойига мўлжалланган. Завод иш бошлаши билан 100 га яқин янги иш ўрни яратилади. Ушбу иш ўринларига биз 23 нафар коллеж битирувчиларини ҳам қабул қилишни режалаштирганмиз.

Келажақда заводимиз орқали йилга 2 млн. АҚШ доллари миқдорида «Инсулин» дорисини экспорт қилиш режалаштирилган. Ушбу амалий саъй-ҳаракатларимиз натижасида импорт ўрнини қоплаш, экспортни ривожлантириш, фармацевтика борзорида нарх-наво мутаносиблигини таъминлаш мақсад қилинган. Йилга 10 млн. дона флакондаги «Инсулин» дори воситаси ишлаб чиқарилади. Бу орқали қандли диабет билан касалланган беморлар учун арзон дори воситалари етказиб берилишига эришилади. Биз мана шу ишларни йўлга қўйишда бевосита ҳамкорлик қилган ва молиявий қўллаб-қувватлаётган «Трастбанк»дан миннатдорим.

Сирасини айтганда, «Трастбанк» ХАБ Давлат дастурларида белгиланган кенг кўламли иқтисодий ислохотларда фаол иштирок этиш ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига молиявий мадад бериш орқали мамлакатимизда аҳоли турмуш фаровонлигини оширишга қаратилган устувор вазифалар ижросига, аҳоли бандлигини таъминлаш ва янги иш ўринлари ташкил қилишга фаолиятининг бош мезони сифатида алоҳида эътибор билан ёндашмоқда.

Жасур МИРЗАЕВ.

Андижонда 55 валюта айирбошлаш шохобчаси ташкил этилди

Андижонда «Валюта сиёсатини либераллаштириш – эркин иқтисодийётни таъминлашнинг муҳим омил» мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди.

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Андижон вилояти кенгаши ташаббуси билан ўтказилган тадбирда халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари депутатлари, партия фаоллари, банк, солиқ, божхона тизими ходимлари, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари, фермер хўжаликлари раҳбарлари иштирок этди.

Мустиқлик йилларида валюта сиёсати ва ташқи савдо фаолияти соҳасини такомиллаштириш бўйича кўрилган чора-тадбирлар мамлакатимиз иқтисодийётига хорижий инвестицияларни жалб этиш, экспорт салоҳиятини ошириш,

кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини барқарор ривожлантиришга хизмат қилаётгани таъкидланди. Президентимизнинг 2017 йил 2 сентябрдаги «Валюта сиёсатини либераллаштириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони бу борадаги ишларни янги bosқичга кўтарди.

– Ушбу Фармон мамлакатимизда валюта соҳасини тартибга солишнинг бозор механизмларини жорий қилишда муҳим аҳамиятга эга, – дейди **Ўзбекистон Либерал-демократик партияси вилоят кенгаши раиси Тоҳиржон Толипов**. – Аҳоли, хўжалик юритувчи субъектларга валютани эркин харид қилиш ва

ишлатиш учун кенг имконият яратилади. Юртимизга хорижий инвестицияларни жалб қилиш, маҳсулот ва хизматлар экспортини ошириш, умуман, иқтисодийётимиз ривожига тўсиқ бўлаётган қатор муаммоларни бартараф этади.

Тадбирда Фармон мазмун-моҳиятини аҳоли ва тадбиркорлар ўртасида кенг тарғиб этишнинг аҳамияти, ушбу ҳужжатнинг мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаёти, иқтисодийёти ривожига ўрни хусусида атрофлича фикр алмашилди. Фармонда белгиланган вазифалар ижроси доирасида вилоятда олиб борилаётган ишлар, хусусан, банкларнинг валюта айирбошлаш шохобчалари фаолияти, тадбиркорлар ҳамда аҳолига кўрсатилаётган хизматлар, яратилган қулайлик

ва имтиёзлар хусусида маълумотлар берилди.

– Вилоятимизда 55 валюта алмаштириш шохобчаси ташкил этилиб, белгиланган тартибда фаолият юритмоқда, – дейди **Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Андижон вилояти бош бошқармаси валюта бўлими бошлиғи Жаҳонгир Қўчқоров**. – Фуқароларимиз эмин-эркин, ҳеч қандай муаммоларсиз ўз маблағларини алмаштиришда, харид қилинган валюта уларнинг ҳисобларига ҳеч қандай монеликсиз ўтказиб берилмоқда.

Анжуманда «Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Валюта сиёсатини ли-

бераллаштириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони мазмун-моҳияти ва ундан келиб чиқадиган вазифалар, «Тижорат банклари фаолиятини тартибга солиш ва назорат қилишнинг замонавий тамойиллари ҳамда механизмларини жорий этиш», «Ўзбекистон иқтисодийётини ривожлантиришда валюта сиёсатини либераллаштиришнинг ўзига хос жиҳатлари», «Валюта сиёсатини либераллаштириш ва солиқ сиёсати» мавзуларида маърузалар тингланди.

Фармон тарғиботини кучайтириш, ижросини таъминлаш борасидаги ишлар самарадорлигини ошириш юзасидан фикр алмашилди. Иштирокчилар ўзларини қизиқтирган саволларга атрофлича жавоб олди.

Ў.А.

Иқтисодийётнинг реал секторига кредитлар

Чет эл капитали иштирокидаги «Савдогар банк» АТБнинг Фарғона вилояти филиали жамоаси жорий йил давомида фаолиятини Президентимиз томонидан белгилаб берилган мамлакатни ривожлантиришнинг 2017-2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегияси асосида ташкил этмоқда.

Банк тизими олдида белгилаб берилган устувор йўналишлар ва вазифаларни бажариш, филиалда мижозлар сонини ошириш, замонавий банк хизматларини кўрсатиш, янги ишлаб чиқариш объектларини кредитлаш, нақд пул тушумини кўпайтириш, аҳолининг бўш пул маблағларини омонатларга жалб қилиш, савдо ва хизмат кўрсатиш корхоналарини савдо терминаллари билан таъминлаш борасида ишлар олиб бормоқда.

Жорий йилнинг 1 сентябрь ҳолатига кўра, филиал томонидан барча молиялаш манбалари ҳисобидан тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш мақсадида юридик ва жисмоний шахсларга жами 11207,5 млн. сўм миқдорда кредитлар ажратилган бўлиб, шундан 2553,0 млн. сўми санонат соҳасига, 228,5 млн. сўми қишлоқ хўжалигига, 2445,0 млн. сўми савдо ва умумий овқатлашга, 1246,6 млн.

сўми қурилишга, 732,7 млн. сўми маиший хизмат соҳасига, 4001,7 млн. сўми бошқа тармоқлар учун ажратилган кредитларга тўғри келади. Ҳисобот даврида берилган кредит қўйилмаларнинг 544,0 млн. сўми қисқа муддатли ва 10663,5 млн. сўми узоқ муддатли кредитлар жумласига киради. Ушбу кредитлар тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлашга қаратилди ва жами 60 та янги иш ўрни яратилди.

– Филиалимиз томонидан ўтган йилнинг шу даврига нисбатан ажратилган кредитлар ҳажми 1,3 бараварга ўсди, – дейди **Чет эл капитали иштирокидаги «Савдогар банк» АТБ Фарғона вилояти филиали бошқарувчиси Нурмухаммад Сотволдиев**. – Бундан кейин ҳам мана шундай фаол ишлашда давом этиб, вилоятда ижтимоий-иқтисодий жабаҳаларни ривожлантиришга ўз ҳиссамизни қўшамиз.

Ҳамдам АМИНОВ.

ЭЪЛОН

«TOSHKENT UNIVERSAL AUKSION SAVDO» МЧЗ

томонидан газетанинг 2017 йил 24 августдаги 34-сонли нашрида берилган эълон матнига ўзгартириш киритилган ҳолда, «ISTIQLOL» санъат саройи балансидаги д/р 01/395JAA бўлган «Матиз» русумли автотранспорт воситасининг ишлаб чиқарилган йили, яъни «2008 й. и/ч» сўзлари «2002 й. и/ч» сўзлари билан алмаштириб ўқилсин.

Гувоҳнома № 005357

Хизматлар лицензияланган.

Меҳнат ярмаркасида банкларнинг фаол иштироки

Пойтахтимизда Тошкент шаҳар Бандлик бош бошқармаси, Тошкент шаҳар хокимлиги, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи, Тошкент шаҳар прокуратураси ҳамда бошқа мутасадди идоралар билан ҳамкорликда «Бўш иш ўринлари меҳнат ярмаркаси» ўтказилди.



Тадбир мамлакатимиз Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги 4947-сонли Фармони билан тасдиқланган 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг 4.1-бандидаги аҳоли бандлиги ва реал даромадларини изчил ошириш тамойили ижросини таъминлаш, Ўзбекистон Республикасининг «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги Қонуни талаблари ҳамда «2017 йилда аҳоли бандлиги дастури» параметрларини бажариш ҳамда ишсиз фуқароларни, ёшларни, касб-хунар коллеж-

латини бошлаш учун имтиёзли кредитлар олишни мақсад қилган фуқаролардан тижорат банкларига жами 93 та мурожаат келиб тушди ва ҳозирда бу сўровлар атрофлича ўрганилмоқда.

Бундан ташқари, меҳнат ярмаркасида бўш иш ўринларига эга корхона, ташкилот ва муассасалар ўз фаолияти ҳақида батафсил маълумот берувчи кўргазмали стендлар ўрнатиб, тарқатма материалларни иштирокчиларга тарқатдилар. Ярмаркага ташриф буюрган ёшлар, иш билан банд бўлмаган аҳоли Тошкент шаҳар Бандлик бош бошқармаси ва туман марказларининг мутахассислари томонидан фуқароларнинг иш билан таъминланиши ҳамда меҳнат ҳуқуқи ва муҳофазасига оид амалдаги қонунчилик ҳақидаги ва бошқа ўзларини қизиқтирган саволларга маълумот бурчаги асосида батафсил жавоблар олдилар.

Ярмаркада туман Бандликка кўмаклашиш марказлари томонидан ишсиз фуқароларни ишга жойлаштириш мақсадида 751 та йўланма берилди, улардан 519 нафари билан меҳнат шартномаси имзоланди. Айни вақтда йўланма берилган ишсиз фуқаролар билан меҳнат шартномасини белгиланган тартибда имзолаш ва ишга жойлаштириш йўналишида ишлар давом эттирилмоқда.

Бобур САТТОВ.

БАНК ТИЗИМИДА НАВҚИРОН АВЛОД ВАКИЛЛАРИНИНГ ТАДБИРКОРЛИК ТАШАББУСЛАРИНИ МОЛИЯВИЙ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ

Мамлакатимизда Президентимиз Шавкат Мирзиёев раҳнамолигида юрт тақдири ва келажаги учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир, жисмонан соғлом, маънан етук ҳамда интеллектуал ривожланган, мустақил фикрлайдиган ёш авлодни тарбиялашга қаратилган ишлар тизимли амалга оширилмоқда.

Таъкидлаш керакки, навқирон авлод вакилларида кўрсатилаётган эътибор замирида республикамизда шу йўналишга доир ҳуқуқий ҳужжатларнинг ҳаётга изчил татбиқ қилинаётгани муҳим ўрин тутмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси асосида ёш авлод манфаатларини кафолатлашга йўналтирилган йигирмадан ортиқ қонунлар қабул қилиниб, бу борада қатор халқро ҳужжатлар имзоланди. Бундан бир йил аввал, 2016 йилнинг 14 сентябрида Президентимиз томонидан имзоланган «Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида»ги Қонун мазкур йўналишдаги ишларни янги bosқичга кўтарди.

Мазкур Қонун асосида мамлакатимизда ёшларга оид давлат сиёсатининг ўзига хос тизими яратилди. Бу хусусда сўз юритганда, аввало, жорий йилнинг 30 июнь санасида ёшларимиз ҳаётида рўй берган тарихий воқеа хусусида алоҳида тўхталиш жоиз. Гап шундаки, юртимиз йигит-қизларининг таклиф ва истаклари асосида Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ташкил этилди.

Президентимиз ташаббуси билан ушбу Ёшлар иттифоқи ташкил топган кун – 30 июнь санаси мамлакатимизда «Ўзбекистон ёшлари кўни» сифатида нишонланадиган бўлди. Шу муносабат билан жорий йилнинг 25 августда давлатимиз раҳбари томонидан имзоланган «Ўзбекистон Республикаси ёшлари кўнини белгилаш тўғрисида»ги Қонунда ҳам бу ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлаб қўйилди.

ЁШЛАР ТАЯНЧИ ВА СУЯНЧИ

Ҳозирги кунда Ёшлар иттифоқи ёш авлодни расмий аъзоликка қабул қилиб, уларнинг сони ошишини назорат қилувчи ташкилот эмас, балки йигит-қизларнинг чинакам таянчи ва суюнчи бўла оладиган муассасага айланиши учун бор куч-ғайрати билан ҳаракат қилмоқда.

Иттифоқ таркибида Ёш олимлар, Ёш тадбиркорлар, Ёш фермерлар, Ёш ижодкорларни бирлаштирган тузилмалар ташкил қилинди. Йил охирига қадар шунга ўхшаш нодавлат нотижорат ташкилотлари сони яна ортади. Ушбу ташкилотлар фаолиятини ташкил этиш ва юритиш тўлиқ ёшлар ихтиёрига берилмоқда. Иттифоқ янги уюшмаларга молиявий ҳамда моддий-техник томондангина эмас, балки ғоявий-услубий жиҳатдан ҳам ёрдам кўрсатиб, уларнинг ишини мувофиқлаштириб боради.

Халқимизда «Ҳамкорликда ҳикмат кўп» деган нақл бор. Шунга мувофиқ, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи томонидан 30 та вазирлик ва идора билан

Бугун мамлакатимиз аҳолисининг 60 фоиздан ортиғи улкан бунёдкорлик салоҳиятига эга ёшлардан иборат. Давлатимиз олиб бораётган сиёсатнинг муҳим йўналишларидан бири ҳам айнан ёшларга қаратилган. Навқирон авлод вакиллари хар томонлама қўллаб-қувватлаш, маънавий етук, жисмонан соғлом, ватанпарвар ва фидойи этиб тарбиялаш, ҳуқуқ ҳамда манфаатларини ҳимоя қилишга эътибор қанча кучайтирилса, унинг самараси ҳам шунча юқори бўлади. Шу нуқтаи назардан, бугун юксак биллими, замонавий фикрлайдиган, қатъий ҳаётий позицияга эга ёшлар юртимиз равнақида тобора ҳал қилувчи кучга эга бўлиб борапти.



ўзаро алоқаларни кенгайтириш, ёшларга оид давлат сиёсатини амалга ошириш, ҳамкорликни ривожлантиришга қаратилган меморандумлар имзоланди.

МОЛИЯВИЙ МАДАД

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ҳам давр талабидан келиб чиқиб, навқирон авлод вакиллари тадбиркорлик ташаббусларини хар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг илғор ва истиқболли лойиҳаларини молиявий жиҳатдан ўз вақтида рағбатлантиришга катта эътибор қаратмоқда.

Бугунги кунда банк тизимида ёшларни молиявий қўллаб-қувватлаш соҳасида кредитлар ажратишни тартибга солувчи тегишли норматив-ҳуқуқий база шакллантирилган.

Бу борада Марказий банк етакчилигидаги тижорат банклари томонидан Ўзбекистонда ёш тадбиркорларни хар томонлама қўллаб-қувватлаш, тадбиркорлик соҳасидаги билим ва кўникмаларини ошириш, уларнинг бизнес-режаларини рўёбга чиқариш, колле битирувчиларини иш билан таъминлашга қаратилган лойиҳаларни рағбатлантириш мақсадида чоратадбирлар дастури белгилаб олинди, бир қатор лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Хусусан, жорий йилнинг 26 июлида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ҳамда Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий кенгаши ҳамкорлигида «Банк тизимида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 27 апрелдаги 08/1-860-сонли мажлис баёни билан тасдиқланган чора-тадбирлар дастурининг 17-банди ижросини таъминлаш юзасидан қўшма қарори» имзоланди.

Мазкур қўшма қарор Ўзбекистон Республикасида 2017 йилда ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чоратадбирлар дастурининг ёш тадбиркорлар учун мини-технологияларни хориждан олиб келиш ва тижорат банкларидан хорижий валютадаги кредитлар орқали тадбиркор-

ларга беришга кўмаклашиш учун ишлаб чиқилган бўлиб, тижорат банклари томонидан «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги, «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги Қонунларига мувофиқ ёш тадбиркорлик субъектларига хорижий валютада имтиёзли кредитлар ажратишда фойдаланилади. Унга мувофиқ:

Ваколатли банklar ўз уставларига ҳамда уларга Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг лицензияларида бериб қўйилган валюта операцияларини амалга ошириш ҳуқуқларига мувофиқ, ёш тадбиркорлик субъектларини хорижий валютада кредитлашни амалга оширади. Ёш тадбиркорлик субъектларига тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун мини-технологияларни хориждан олиб келиш учун кредит маблағлари ажратиш тўловлилик, муддатлилик, таъминланганлик, пул маблағларидан мақсадли фойдаланиш ва қайтариш шартлари асосида амалга оширилиши белгиланган.

Ёш тадбиркорлик субъектларига хорижий валютадаги кредитлар ваколатли банklar томонидан асосан экспорт учун етказиб берилётган, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётида фойдаланилаётган товарлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва сифатини яхшилаш учун мўлжалланган ускуналар, материаллар, янги буюмларнинг намуналари, бошқа моддий бойликлар ва технологиялар импорти билан боғлиқ бўлган лойиҳаларни молиялаш учун берилди.

Хорижий валютадаги кредитлар банк билан ёш тадбиркорлар ўртасида тузиладиган кредит шартномаларида белгиланган шартларда берилди.

Ёш тадбиркорларга хорижий валютадаги кредитларни бериш тўғрисидаги масалаларни ҳал этишда асосий тамойил – кредитланаётган тадбирларнинг валютада ўзини ўзи қоплашидан келиб чиққан ҳолда уларни тўлаш манбалари мавжудлигига алоҳида аҳамият берилди. Хорижий валютадаги кредитлар ва-

колатли банklar томонидан Марказий банк белгилайдиган хорижий валютадаги операциялар бўйича иқтисодий меъёрларга риоя этган ҳолда ўз кредит ресурслари ва жалб этиладиган кредит ресурслари ҳисобидан берилди.

Хорижий валютадаги кредитларни бериш тўғрисидаги қарор ваколатли банкнинг кредит кўмитаси томонидан банк тегишли бўлиминининг тайёрланган ҳулосасига кўра қабул қилинади. Ёш тадбиркорлар хорижий валютадаги кредит ҳисобидан сотиб олган ускуналарни ўз вақтида ўрнатиш ва ишга туширишни, ускуналарнинг ишлаб чиқариш қувватларини ва бошқа кўрсаткичларини лойиҳадаги даражага олиб чиқишни, кредитдан мақсадли ва самарали фойдаланишни таъминлаш керак.

ХОРИЖИЙ ВАЛЮТАДА

КРЕДИТЛАРНИ БЕРИШ ТАРТИБИ

Бунинг учун ёш тадбиркорлар кредит олиши учун ваколатли банкка асосли тарздаги тақдимнома билан мурожаат этади. Ёш тадбиркорларнинг тақдимномаси ва унга илова қилинган ҳужжатлар куйидаги ахборотларни ўз ичига олган бўлиши керак:

- кредитни олишдан кўзланган мақсадни, олиш зарур бўлган кредит миқдори ва муддатини;
- хориждан харид қилинаётган товарнинг, мамлакатнинг тавсифини, тўлов валютасини, қийматини, ускуналарни сотиб олишга эса зарур хомашё билан таъминлаш тўғрисидаги маълумотларни;
- кредитланаётган тадбирнинг техникавий-иқтисодий асосларини, унинг валюта билан ўзини ўзи қоплашини;
- бутун қурилиш, ускуналарни соzлаш ва ишлаб чиқариш қувватларини ўзлаштириш даври мобайнида ишларнинг техникавий лойиҳаси ёки жамланма жадвалини;
- кредитдан фойдаланиш ва уни тўлаш муддатининг ҳисобини;
- кредитни, шу жумладан, гаров мажбуриятларини таъминлаш.



Зарур ҳолларда ваколатли банклар ёш тадбиркорлардан кредитдан фойдаланиш ва уни тўлашга, импорт ускуналардан фойдаланиш самарадорлигига, тайёр маҳсулотни сотишнинг кўзда тутилган бозорига тааллуқли қўшимча маълумотларни олиши мумкин.

Кредит бериш тўғрисидаги масалани ҳал этишда кредитни тўлаш манбалари ва кафолатлари мавжудлигига, ёш тадбиркорларнинг илгари берилган кредит бўйича ваколатли банк олдидаги мажбуриятларини ўз вақтида бажаришига алоҳида аҳамият берилади.

Бошқа корхоналар ва ташкилотларнинг кафолати остида кредитларни беришда ваколатли банк кафиллик берувчига хизмат кўрсатаётган банкдан бажариш учун кафолатни олганлиги тўғрисидаги хабарни олиши зарур. Берилган ҳар бир кредит бўйича ваколатли банк махсус иш дафтарини юритади, унда кредит шартномасининг бир нусхаси, шартномалар нусхалари, шунингдек, ушбу кредит бўйича барча ҳужжатлар ва ёзишмалар сақланади.

Кредит ҳисобварақлари банкнинг фармойиши асосида очилади ва унда ҳар бир ҳисобварақнинг ишлаш тартиби белгиланади. Берилган кредит бўйича операциялар банк томонидан шартномалар ва тўлов ҳужжатлари асосида Марказий банк белгиланган тартибда амалга оширилади.

Хорижий валютада кредитларни тўлаш куйидаги тартибда амалга оширилади: кредит бўйича қарзни тўлаш ёш тадбиркорларнинг топширигига (аризасига) кўра, уларнинг талаб қилиб олинган депозит ҳисобварақидан хорижий валютада амалга оширилади.

Кредит бўйича қарзни тўлашда биринчи навбатда кредитдан фойдаланганлик учун фойзалар суммаси ундирилади. Амалдаги қонун ҳужжатларида кўзда тутилган ҳолларда қарз сўмдаги маблағларни ички валюта бозорига эркин алмаштириладиган валютага алмаштириш орқали тўланишига йўл қўйилади.

Кредит бўйича қарз кредит шартномасида қайд этилган муддатда тўланмаганда кредит муддати кечиктирилган ҳисобланади. Банк кредит бўйича қарзлар ёш тадбиркорларга боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра белгиланган муддатда тўланмаган тақдирда (табиий офатлар, ускуналарни етказиб беришдаги узилишлар ва ҳ.к.) ўз хоҳишига қараб кредит шартномаси муддатини узайтиришга ҳақлидир.

Ваколатли банклар қарз белгиланган муддатда тўланмаган тақдирда тўланмаган суммани қонун ҳужжатларида кўрсатилган тартибда ёш тадбиркорларнинг хорижий валютадаги талаб қилиб олинган депозит ҳисобварақидан чиқариб ташлашга ҳақлидир.

Ёш тадбиркорларнинг хорижий валютадаги талаб қилиб олинган депозит ҳисобварақига маблағлар етишмаган ёки бўлмаган тақдирда кредит суммаси қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда кафиллик берувчининг хорижий валютадаги талаб қилиб олинган депозит ҳисобварақидан чиқариб ташланади ёки гаров мажбуриятларини бажариш чоралари қабул қилинади.

Мониторинг қилиш, ваколатли банклар ёш тадбиркорларнинг кре-

дит шартномалари шартларини бажариши, хорижий валютадаги кредитдан мақсадли ва ўз вақтида фойдаланилиши, уларнинг таъминланганлиги, асосий қарз ва фойзаларни ўз вақтида, тўлиқ тўлаши устидан назоратни амалга оширадидилар. Ваколатли банклар ёш тадбиркорлар банк хорижий валютада берган кредит ҳисобига сотиб олган ускуналарни белгиланган муддатда фойдаланишга топширишга риоя этишларини ва ундан самарали фойдаланишни жойларда текширувлар ўтказиш йўли билан ҳам назорат қилади.

Кредит шартномаси бўйича ўз мажбуриятларини бажармайдиган ёш тадбиркорларга нисбатан ваколатли банклар куйидаги ҳуқуқларга эга бўлади:

- кредит беришни вақтинча ёки тўлиқ тўхтатиб қўйиш;

- берилган кредит бўйича бутун қарз суммасини муддатидан илгари ундириб олиш.

Ёш тадбиркорлар кредит шартномасининг шартларини мунтазам равишда бажармаганда ваколатли банк ўз шартларига кўра, қарз олувчидан илгари унга берилган хорижий валютадаги барча кредитларни муддатидан илгари тўлашни талаб қилиши мумкин.

БИР МАҚСАД ЙЎЛИДАГИ ҲАМЖИҶАТЛИК

Шу билан бирга, Марказий банк томонидан олий таълим муассасалари ва касб-хунар коллежлари битирувчиларининг тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ лойиҳаларини амалга оширишда сиёсий партиялар, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи, Ўрта-муҳасиб касб-хунар таълими маркази, Ўзбекистон хотин-қизлари кўмитаси, Савдо-саноат палатаси ҳамда бошқа тегишли манфаатдор вазирлик/идоралар билан ҳамкорликда тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ лойиҳалар, учрашув, семинар ва давра суҳбатларини амалга оширишда яқиндан ҳамкорлик қилинмоқда.

Хусусан, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ҳамда банк тизими билан юртимиз ёшларини ўз бизнесларига, муносиб иш ўринларига эга бўлишлари учун амалга оширилган яна бир тадбир пойтахтимизда бўлиб ўтди. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг Тошкент шаҳар Кенгаши, Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Бош прокуратура ҳузуридаги департаментнинг Тошкент шаҳар бошқармаси ҳамда тижорат банклари ҳамкорлигида жорий йилнинг 12-13 сентябрь кунлари меҳнат ярмаркаси ташкил этилди. Ундан кўзланган асосий мақсад йигит-қизларни ишга жойлаштириш ва уларнинг ўз бизнесларини йўлга қўйишларига кўмаклашидан иборат бўлди.

Ярмарка давомида иш берувчилар томонидан амалий кўргазмалар ҳам ўтказилди. Мисол учун, қурилиш, пайвандлаш, озиқ-овқат, сут ҳамда қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш соҳаси, жумладан, тикиш-бичиш ва сартарошлик бўйича маҳорат сабоқлари уюштирилди.

Мухтор ШОНАЗАРОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки
Тижорат банкларининг
инвестициялар портфелини
мониторинг қилиш департаменти
бошқарма бошқиси ўринбосари.

ЯРМАРКА ИШТИРОКЧИЛАРИДАН ИНТЕРВЬЮЛАР

Қаҳрамон ҚУРОНБОВ, Ўзбекистон Республикаси
Президентининг Давлат маслаҳатчиси, Ўзбекистон ёшлар
иттифоқи Марказий кенгаши раиси:

– Ҳозир дунёда тахминан 300 млн. нафар 18-30 ёшдаги кишилар доимий ёхуд умуман иш жойига эга эмас. Уларнинг 20 фоизи ўз бизнесини йўлга қўйиш қобилиятига эга бўлса-да, турли омиллар туфайли бор-йўғи беш фоизи бундай имкониятини рўёбга чиқарапти. Юртимизда иш ўринларининг 80 фоиздан ортиги айнан нодавлат секторда яратилаётгани диққатга сазовордир.

Йигит-қизларимиз Президентимиз Фармонида ёш тадбиркорларга берилган имтиёزلардан самарали фойдаланишлари мумкин. Бу улар учун ўз бизнесини ташкил қилиш ва ривожлантириш борасида катта имкониятидир.

Шуни қучур англаб етишимиз кераки, агар ёшлар иш билан банд қилинмаса, бу нафақат уларнинг ўзи, oilаси, яқинлари, балки давлат ва жамият учун ҳам муаммога айланади. Тадбиркор ёшлар, айниқса, қизларнинг касаначилик билан банд бўлиши учун қулай шароит яратиб бериш, бу борада бўш турган объектлардан имтиёзли шартлар асосида жой ажратиш, ёш хунармандларга ҳамашё сотиб олишлари учун кредит бериш, ўз бизнесини бошлаган ёш тадбиркорлар томонидан Пенсия жамғармасига тўланадиган сугурта бадалини олинган кредитларни қоплашга йўналтириш ва бошқалар Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг энг муҳим вазифаларидандир. Бу борада янги имкониятлар яратиш мақсадида ҳар бир туман марказида, шаҳарда Ёшлар тадбиркорлик кластерлари ташкил этилаётгани, айниқса, муҳим аҳамият касб этади.

Вояга етаётган навқирон авлод республикаимизнинг сиёсий ва ижтимоий ҳаётида муҳим роль ўйнайди. Бугун унга демократияни мустақамлаш, фуқаролик жамиятини шакллантириш жараёнида иштирок этиш имконияти берилмоқда. Йигит-қизлар мамлакатимизда рўй бераётган ўзгаришларга дахлдорликини ҳис қилса ва уларни амалга оширишда фаол қатнаша, isлохотлар қутулган муваффақиятларни беради.

Ўз бизнесини бошлаш ва уни ривожлантириш истагида бўлган кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектлари фаолиятини молиявий қўллаб-қувватлаш, рағбатлантириш мақсадида банклар ҳар йили имтиёзли шартлар асосида кичик бизнес субъектлари ва коллеж битирувчилари ўртасида кўрик-танловлар ўтказмоқда. «Менинг бизнес гоям», «Ёш тадбиркор – юртга мадақдор» лойиҳалари шулар сирасидандир.

Дастлабки сармойани мақсадли ишлатган ёшлар келгусида банклардан яна молиявий мадад олиш имкониятига эга бўлади. Жойларда ёшлар раҳбарлик қилаётган юзлаб корхона ва фирмалар ташкил этилиб, уларда тайёрланаётган маҳсулотлар ички бозоримизни тўлдиришга хизмат қилмоқда.

Шухрат БАШМАНОВ,

Гулистон шаҳри, ёш тадбиркор:

– Ўз бизнесини бошлаш мақсадида тадбиркорлик субъекти сифатида давлат рўйхатидан ўтиб, «Агробанк»нинг Гулистон филиалида ҳисоб рақам очдим. Сўнгра сармойа олиш учун буюртманома, бизнес-режа топширдик. Банк ташкил этган базавий семинарда иштирок этиб, банк ва кредит олувчининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, ажратиладиган сармойалан ва кўрсатилганнинг лизинг хизматларининг турлари ва механизмлари билан яқиндан танишдик. Қисқа фурсатда мебель ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш ва зарурий материаллар сотиб олишга оид лойиҳам учун 15 млн. сўм миқдорда имтиёзли кредитга эга бўлдим. Мазкур маблағ сабаб ҳам тадбиркор бўлдим, ҳам янги иш ўринлари яратдим.

Мардонабону ТУРАҚУЛОВА,

Фаргона вилояти Қўқон шаҳри, ёш тадбиркор:

– Хусусий сектор ривожини учун яратилган имкониятлардан самарали фойдаланиб, корхона ташкил этган ёшлар қаторида эконимдан фахрланаман. Бундан икки йил муқаддам Қўқон педагогика коллежини битирдим. Коллежини тугаллаш арафасида «Асака» банкнинг Фаргона вилояти филиали томонидан ўтказилган тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйишда мамлакатимизда яратилган ҳуқуқий-иқтисодий кафолатлар ҳамда ишбилармонлик муҳитига бағишланган семинарда иштирок этидим. Натижада ўз бизнесини бошлаш истаги пайдо бўлди. Орзуимни қисқа фурсатда амалга оширишда банкдан олинган имтиёзли кредит менга қўл келди.

Халқимиз дастурхонини сифатли қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан тўлдириш ниятида ота-онам билан маслаҳатлашиб, иссиқхона ташкил этган эдик. Замонавий талабларга жавоб берувчи иссиқхонамизда йил давомида, айниқса, қишда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш учун барча шароит яратилган. Ўн нафар тенгдош дугоналарим иш билан таъминланди.

Алишер СУЮМОВ, «Микрокредитбанк» акциядорлик

тижорат банки кредитлаш департаменти директори:

– Тадбиркорлик субъектининг турига кўра микрокредитнинг миқдори турлича бўлади. Бошланғич сармойани шакллантиришга ажратилганнинг микрокредитлар ташкил топганига 6 ойдан ошмаган кичик тадбиркорлик субъектлари 18 ойгача бўлган муддатга ажратилади. Бу даврда тадбиркор фақат фойзаларини, сўнг асосий қарз миқдорини ойма-ой тўлаб боради. Микрофирмалар, кичик корхоналар, деҳқон ва фермер хўжаликлари учун энг кам ойлик иш ҳақининг 500 бараварига, йиллик етти фойаз устамас билан, 24 ойгача муддатга ажратилади. Маҳсулотлар ишлаб чиқариш, хошамаш ва материалларни қайта ишлаш, хунармандчилиқни ривожлантириш, касаначилик меҳнатини ташкил этиш учун яқна тартибдаги тадбиркорларга энг кам ойлик иш ҳақининг 200 баравари ҳамда микрофирма ва кичик корхоналарга энг кам ойлик иш ҳақининг 1000 баравари миқдорда 3 йилгача бўлган муддатга берилади.

Ҳар қандай тадбиркорлик, аввало, пухта бизнес-режа, сўнгра молиявий маблағ орқали шакллантирилади. Тадбиркорнинг ишни молия муассасаси билан чамбарчас боғлиқдир. Ҳар икки томон ўртасидаги ишончли ҳамкорлик муваффақиятлар гарови бўлади. Энг муҳими, ёш тадбиркорлар фаолиятини йўлга қўйиш, уларни ҳимоя қилиш юртимизда давлат сиёсати даражасига кўтарилган.

Янги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни тақдим этамиз

Кредит ташкилотлари алоҳида мижозларни кучайтирилган тарзда текширади

Нобанк кредит ташкилотларида жинорий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат қондалари янги таҳрирда тасдиқланди (рўйхат рақами 2925, 2017 йил 4 сентябрь).

Ҳужжатга террорчилик фаолиятида иштирок этаётган ёки иштирок этишда гумон қилинаётган шахслар рўйхатига киритилган ёки оммавий қирғин қуролини тарқатишда иштирок этаётган ёки иштирок этишда гумон қилинаётган шахсларнинг операцияларини тўхтатиб туриш, пул маблағларини ёки бошқа мол-мулкни ишга солмай тўхтатиб қўйиш тўғрисидаги нормалар киритилди.

Шунингдек, гумонли ва шубҳали операцияларнинг мезонлари ва аломатларига қўшимчалар ва тузатишлар киритилди. Масалан, операцияни амалга ошириш кунда белгиланган ЭКИХнинг 400 баравари (илгари ЭКИХнинг 1000 баравари) миқдорида тенг ёки ундан ошадиган суммада нақд пул кўринишида кредит ёки қарз олинishi гумонли операцияга киради. Операцияга ёки уни амалга ошираётган мижозга таваккалчиликнинг юқори даражаси берилиши – гумонли операциянинг яна бир аломати.

Гумонли операциялар энди қуйидагиларни ҳам ўз ичига олади:

- фойдаланишга рухсат берилган пул маблағлари ёки бошқа мол-мулкдан фойдаланиш билан боғлиқ операциялар, шу жумладан уни ўтказишга уриниб кўрилиши;
- паспортда фаол жанговар ҳаракатлар олиб борилаётган ёки террористик ташкилотлар томонидан назорат қилинаётган

ёхуд улар билан чегарадош бўлган давлатларнинг чегарасини кесиб ўтиш ҳақида белгилар мавжуд мижоз томонидан амалга оширилиши.

Мижоз ёки у томонидан амалга оширилаётган операция юқори даражадаги таваккалчилик тоифасига киритилганда нобанк кредит ташкилоти мижозни лозим даражада текширишнинг кучайтирилган чораларини кўриши шарт, улар қуйидагиларни кўзда туттади:

- мижоз ҳақида фойдаланиш имконияти мавжуд очик манбалар ва маълумотлар базаларидан қўшимча тасдиқланган маълумотларни тўплаш ва қайд этиш;
- мижоздан у томонидан амалга оширилаётган операциялар бўйича пул маблағлари ёки бошқа мол-мулкнинг манбалари ҳақидаги маълумотларни олиш;
- мазкур мижоз томонидан ўтказилиши режалаштирилган ёки ўтказилган операцияларнинг мақсадларини ўрганиш;
- ушбу мижоз томонидан амалга оширилаётган операциялар устидан доимий мониторинг юритиш.

Ҳужжат қонун ҳужжатлари тўпламининг 2017 йил 11 сентябрдаги 36 (796)-сонда эълон қилинган пайдан эътиборан 3 ой ўтганидан кейин кучга киради. Шу сандан бошлаб амалдаги таҳрир ўз кучини йўқотади.

Йирик солиқ тўловчилар Кодексда акс эттирилади

Солиқ кодексига ўзгартиришлар ва қўшимчаларни ўз ичига олган иккинчи лойиҳа ҚХТБТ порталида жойлаштирилди.

Биринчи лойиҳа йирик солиқ тўловчилар таърифини ўз ичига олган. Лойиҳага кўра, бу яқка тартибдаги солиқ маъмуриятчилиги таъсири доирасига тушадиган алоҳида тоифадаги юридик шахслар. Молия вазирлиги ва ДСҚ йирик солиқ тўловчилар аниқланадиган мезонларни белгилайди.

Йирик солиқ тўловчиларга солиқ солиш тартибини танлаш ёки ўзгартириш ҳуқуқи тақдим қилинмайди, улар бўйича солиқ маъмуриятчилиги алоҳида амалга оширилади. Уларнинг солиқ ҳисоботи улар ҳисобга қўйилган жойи бўйича худудий ДСБларга юборилади.

Эслатиб ўтамиз, Президенти

демимизнинг 2017 йил 18 июлдаги 5116-сонли Фармонида асосан йирик солиқ тўловчилар бўйича солиқ маъмуриятчилиги функциялари Қорақалпоғистон, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ДСБлар томонидан амалга оширилади.

Йирик солиқ тўловчилар жумласига киритилган ва яқка тартибдаги солиқ маъмуриятчилиги таъсири доирасига тушадиган компаниялар бу ҳақда тегишли қарор қабул қилинган кундан бошлаб 5 кун ичида ҳисобга қўйилган жойи бўйича худудий ДСБлар томонидан хабардор қилинади (шу жумладан, солиқ тўловчининг шахсий кабинети орқали).

Иккинчи лойиҳа СК

84-моддасига қўшимчани кўзда туттади. Тақлиф этилаётган тузатишга кўра, Интернет тармоғи миллий сегментининг домен номлари тизимини белгиладиган орган солиқ органларига домен номлари маъмурият тўғрисидаги ахборотдан фойдаланиш имкониятини тақдим этади. Бу тегишли маълумотлар базасига уланиш учун дастурий воситалар тақдим этиш воситасида амалга оширилади.

Шу тариқа, электрон тижорат соҳасида солиқ назорати механизмининг жорий этиш режалаштирилмоқда.

Лойиҳалар ўзгартирилиши, қўшимчалар киритилиши ёки рад этилиши мумкин.

Ўзбекистонда хусусий боғчалар ва мактаблар жадал ташкил этилади

Давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 14 сентябрдаги 3276-сонли «Нодавлат таълим хизматлари кўрсатиш фаолиятини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори имзоланди. Бу ҳақда давлат раҳбари сайтида хабар берилди.

2018 йилнинг 1 январидан бошлаб юридик шахслар томонидан, мулкчилик ва ташкилий-ҳуқуқий шаклларида қатъи назар, нодавлат таълим хизматлари кўрсатиш лицензия асосида (2018/2019 ўқув йили бошлангунга қадар ҳар бир туман ва шаҳарда мактабгача ва умумий ўрта таълим соҳасида камида биттадан юридик шахс ташкил этилади) амалга оширилади.

Эслатиб ўтамиз, ҳозирги вақтда ТХШ бўйича чеклов мавжуд – хусусий болалар боғчалари, мактаблар ва ўқув курслари муассаса шаклида рўйхатдан ўтказилади.

Ўрнатилишича, нодавлат таълим хизматларини кўрсатадиган юридик шахслар:

- ўз фаолиятини давлат таълим стандартлари ва талаблар асосида амалга оширади;
- амалдаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга қатъий риоя қилган ҳолда юқори малакали педагог ва бошқа кадрлар билан таъминлаш, таълим-тарбия жараёнини ташкил этиш учун зарур шарт-шароитларни яратиш чораларини кўради;
- ўқиш муддати ва шартлари, тўлов миқдори, томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳамда бошқа шартлар белгиланган шартномага мувофиқ таълим олувчиларнинг ота-оналари ёки бошқа қонуний вакиллари билан ўзаро муносабат ўрнатади;
- ўз фаолиятини аҳолига пуллик таълим хизматларини кўрсатиш, хайрия фондлари ва грантлардан келиб тушган маблағлар, шунингдек, қонунчиликда тақиқланган бошқа манбалар ҳисобидан молиялаштиради;
- битирувчиларга давлат намунасидаги таълим тўғрисидаги ҳужжат беради.

Мактабгача ва умумий ўрта таълим соҳасида ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларнинг қобилиятли ва иқтидорли фарзандларини танлов асосида муассасадаги жами ўқувчилар умумий сонининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда таълим хизматларини кўрсатиш эвазига келиб тушган даромадлар ҳисобидан бепул (грант асосида) ўқишга қабул қилиш бўйича квота белгиланади. Бунда кейинги йилларда ўқувчиларни бепул (грант асосида) ўқитишни давом эттириш бўйича қарор нодавлат таълим хизматларини кўрсатиш фаолияти билан шугулланувчи юридик шахс томонидан таълим олувчининг оилавий шароити ва унинг академик натижаларидан келиб чиққан ҳолда қабул қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ри-

вожлантириш давлат кўмитасига Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Тошкент шаҳар ва вилоятлар ҳокимликлари билан биргаликда аҳолига нодавлат таълим хизматларини кўрсатиш фаолияти билан шугулланувчи юридик шахсларга давлат мулки бўлган фойдаланилмаётган бино, объектлар ва иншоотларни давлат-хусусий шерикчилик шартлари асосида ўрнатилган тартибда сотиш топширилди.

Мактабгача ва умумий ўрта таълим соҳасида нодавлат таълим хизматларини кўрсатиш фаолияти билан шугулланадиган юридик шахслар 2021 йил 1 январгача бўлган мuddатда қуйидаги тўловлардан озод қилинди:

- барча турдаги солиқ ва давлат мақсадли жамғармасига мажбурий тўловлардан (ягона ижтимоий тўловдан ташқари), бунда озод қилинаётган маблағлар уларни замонавий ўқув воситалари билан жиҳозлаш, зарур маҳсулотлар ва жиҳозлар сотиб олиш, бино ва иншоотларни реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш ҳамда аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламга бепул таълим хизматларини кўрсатишга мақсадли йўналтирилади;
- меҳнат шартномаси асосида таълим-тарбия жараёнига жалб қилинган хорижий ўқитувчи ва мутахассисларнинг ойлик иш ҳақидан ягона ижтимоий тўлов.

Бундан ташқари, юридик шахслар томонидан нодавлат таълим хизматларини кўрсатишда:

- чет эллик ўқитувчи ва мутахассислар жисмоний шахсларга солинадиган даромад солиғи ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузурдаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига ажратиладиган тўловлардан тўзилган меҳнат шартномаси доирасида озод қилинади;
- чет эллик ўқитувчи ва мутахассисларга икки томонлама авиачипталарни харид қилиш билан боғлиқ харажатлар (узок мuddатли меҳнат шартномаси асосида – бир йилда икки мартадан ошмаган ҳолда) иш берувчи томонидан қопланиши мумкин;

• чет эллик ўқитувчи ва мутахассисларнинг яшаш жойи учун тўловлар қисқа мuddатли меҳнат шартномаларига асосан (бир ойдан кўп бўлмаган мuddатда) иш берувчилар томонидан амалга оширилади, узок мuddатли меҳнат шартномалари доирасида уларнинг яшаш жойи учун тўловлар шартнома шартларига мувофиқ иш ҳақи билан биргаликда тўлаб берилди.

ИҚТИСОДИЁТ ТАРМОҚЛАРИДА

9

«UzMedExpo»: умид, ишонч ва манфаатдорлик учрашуви

Пойтахтимизда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва қатор ташкилотлар кўмағида «IEG Uzbekistan» халқаро кўргазма компанияси томонидан «UzMedExpo – 2017» X халқаро ихтисослашган тиббиёт кўргазмаси ташкил этилди.



муассасалар моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, иш жараёнига юқори технологик ускуналарни жорий этиш ва тиббий хизмат сифатини янада яхшилашга замин яратади.

«UzMedExpo – 2017» халқаро тиббиёт кўргазмаси соҳа ходимлари ўртасида тажриба алмашиш, янгилик ва илмий ишланмалар ҳақида маълумотга эга бўлиш, тармоққа

электрон ахборот-назорат қилиш тизимларини жорий этиш, соҳа истиқболларини белгилаш ва ҳоржий инвестицияларни жалб қилиш учун қулай шароит туғдирди.

Кўргазмада мамлакатимиз ишлаб чиқарувчилари билан бирга Россия, Қозоғистон, Ҳиндистон, Италия, Швейцария, Чехия, Украина, Хитой, Жанубий Корея синга-

ри мамлакатлардан 50 дан зиёд етакчи компания ва фирмалар тиббий лаборатория, диагностика, реабилитация ускуналари ва технологиялари, дори-дармонлар, махсус мебеллар, стоматология, физиотерапия, кардиология, жарроҳлик ва бошқа соҳаларда қўлланиладиган янги препаратлар, витаминлар, санитария-гигиена воси-

талари билан иштирок этди.

– Компаниямиз вакциналар, иммунобиологик препаратлар ишлаб чиқариш ва етказиб бериш билан шуғулланади, – дейди Россиянинг «Вектор-БиАльгам» акциядорлик жамияти вакили Е.Кудряшова. – Ушбу кўргазмага мамлакатингизда ўз маҳсулотларимизни кенгроқ таништириш ҳамда бу ердаги ишлаб чиқарувчилар билан ҳамкорлик ўрнатиш ниятида ташриф буюрдик. Ўзбекистонда инвесторлар учун қулай шароитлар яратилган. Бу мақсадларимиз амалга ошишига катта умид бермоқда.

Кўргазмада стоматология йўналишида ҳам ускуналар ва материаллар, тиш ни даволаш ва протезлашнинг энг сўнгги ютуқлари намойиш қилинди. «Ўзгаллик ва саломатлик» бўлимида эса, косметология, эстетик тиббиёт ва пластик жарроҳлик саноатидаги етакчи ишлаб чиқарувчиларнинг мақбул таклифлари барча ташриф буюрувчилар диққатини тортди.

Гулиан ЮСУПОВА.

Мамлакатимизда тиббиёт соҳасини ислоҳ қилиш бўйича амалга ошириладиган кенг қўламли чора-тадбирлар натижасида тизимда йирик истиқболли лойиҳалар ишга тушириляпти, меҳнат ресурслари базаси мустаҳкамланаяпти, пировардида аҳолига юқори сифатли тиббий хизмат кўрсатиш ва мақбул нархларда дори-дармонлар етказиб бериш таъминланапти.

Айниқса, соғлиқни сақлаш соҳасида хусусий секторнинг роли ошириладигани тадбиркорлик субъектлари томонидан кўрсатиладиган хизмат турларини янада кенгайтиришда муҳим омил бўлмоқда. Президентимизнинг 2017 йил 1 апрелдаги «Соғлиқни сақлаш соҳасида хусусий секторни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори асосида хусусий тиббиёт муассасалари 2022 йил 1 январгача барча турдаги солиқлар ва давлат мақсадли жамғармаларига мажбурий ажратмалар тўлашдан озод этилди. Жамғарилган маблағлар хусусий тиббий

Солиқларни ўз вақтида тўлаш – бурчимиз

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси томонидан Миллий матбуот марказида жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ, жисмоний шахслардан олинadиган ер солиғини ҳисоблаш, ундириш ва ушбу солиқ турлари бўйича берилadиган имтиёзлар ҳамда жорий йилдан бошлаб бу борада солиқ қонунчилигига киритилган ўзгартириш ва қўшимчаларнинг мазмун-моҳиятига бағишланган анжуман бўлиб ўтди.

Унда солиқларни тўлаш фуқароларнинг бурчи эканлиги хусусида ҳам алоҳида тўхталинди.

Маълумки, Президентимизнинг 2016 йил 27 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг 2017 йилги асосий макроеқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги Қарорига асосан жорий йилда жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ ставкаси мол-мулкнинг инвентаризация қийматига нисбатан 1,7 фоиз миқдорида белгиланган.

Шунингдек, шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ бўйича алоҳида ставкалар шахарларда жойлашган, умумий майдони 200 кв. метрдан 500 кв. метргача бўлган турар жой ва квартираларга 1,8 фоиздан 2,1 фоизгача, майдони 500 кв. метрдан ортиқ бўлган турар жой ва квартиралар учун эса 2,5 дан 2,9 фоизга оширилди. Бундан ташқари, жорий йилнинг 1 январидан бошлаб бошқа аҳоли пунктларида жойлашган, умумий майдони 200 кв. метрдан ортиқ бўлган турар жой ва квартиралар учун жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ ставкалари 2,1 фоиз миқдорида белгиланди. Жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ кадастр ҳужжатларидаги инвентаризация қийматидан келиб чиқиб, лекин 3 млн. сўмдан кам бўлмаган миқдорда ҳисобланади. Жисмоний шахслар мол-мулкни баҳолаш органлари томонидан белгиланган инвентаризация

қиймати бўлмаганда, солиқни ундириш учун Тошкент шаҳри ва вилоят марказларида 20328,0 минг сўм миқдорида, бошқа шахарлар ва қишлоқ жойларда эса 8833,0 минг сўм миқдорида мол-мулкнинг шартли қиймати қабул қилинди, дея таъкидлади Давлат солиқ қўмитасининг бошқарма бошлиғи анжуманда.

Таъкидлаш жоиз, эндиликда кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқни рўйхатга олувчи органларда белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилмаган янги қурилган турар жойлар бўйича жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ мол-мулкнинг шартли қийматидан келиб чиқиб икки баравар миқдорда ундирилади. Бу солиқлар жисмоний шахслар томонидан солиқ даври учун йилнинг 15 октябрга қадар тўланади. Бундан олдин тўлашлари яна мумкин. Белгиланган муддатдан кечиктириб тўланган солиқ суммасига ҳар бир кечиктирилган кун учун 0,033 фоиз миқдорида пеня ҳисобланади.

Айни кунда тўловларни тўлаш учун солиқ идораларига боришнинг ҳојати ҳам йўқ. Аҳолига ва тадбиркорларга қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни банкка бормасдан «Click», «U-Ray», «МВбанк», «PayMe» тўлов тизимлари ёрдамида мобил телефон ёки интернет орқали онлайн режимда тўлаш имкониятлари яратилган. Ушбу тўлов тизимидан фойдаланиш фуқаролар учун бепул ва амалга оширилган тўловлар учун комиссия тўлов олинмайди.

Шахдам одимлаб

Ҳозирги кунда юртимиз сугурта бозорида рақобат муҳити шаклланган бўлиб, мижозларга сифатли хизмат кўрсатиш ҳамда янги сугурта турларини жорий этиш борасида барча сугурта компаниялари изчил изланишлар олиб бормоқда.

Жумладан, «KAFOLAT sug'urta kompaniyasi» акциядорлик жамияти ҳам сугурта хизматлари кўрсатиш бозори таҳлили, мижозларнинг талаб ва эҳтиёжларидан келиб чиқиб, соҳани янада ривожлантириш бўйича инновацион ишланмаларни амалиётга кенг жорий этмоқда.

Миллий матбуот марказида бўлиб ўтган «Ўзбекистон сугурта бозори» ривожлантириш истиқболлари (рақобат, талаб, таклиф, инновация) – «KAFOLAT sug'urta kompaniyasi» АЖ мисолида мавзудаги анжуманда ана шулар хусусида фикр юритилди.

Маълумки, «KAFOLAT sug'urta kompaniyasi» сугурта хизматларини кўрсатиш бўйича республикадаги етакчи компаниялардан бири ҳисобланади. Унинг филиаллар тармоғи юқори даражада бўлса-да, аҳолига қулай сугурта хизматларини кўрсатиш мақсадида жорий йилда яна 7 та янги агентлик тармоғини ишга тушириб, уларнинг сонини 198 тага етказди.

Таъкидлаш жоиз, қатор йиллар мобайнида компания барча асосий иқтисодий кўрсаткичларда ўсишга эришмоқда. Жумладан, жорий йилнинг 6 ойи якунларига қўра, 359,8 мингдан ортиқ сугурта шартномаларини имзолаб, 40,9 млрд. сўм сугурта мукофотларини жамлади. Ўтган йилнинг мос даврига нисбатан ушбу кўрсаткич 109,7 фоизга

ўсди. Сугурта мукофотлари умумий ҳажми бўйича компания республикадаги 30 га яқин сугурталовчилар ўртасида биринчи ўчликдан жой олди. Шунингдек, компания томонидан кўрсатиладиган сугурта хизматлари бўйича ўз зиммасига олган мажбуриятлари ҳажми саноатида 22,2 трлн. сўмни ташкил этиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан ўсиш 114,5 фоизни ташкил этди.

– Компаниямиз мажбурий сугурта турлари бўйича хизмат кўрсатишда сугурта бозорида пешқадамлардан ҳисобланади, – дейди «KAFOLAT sug'urta kompaniyasi» АЖ сугурта бўйича директори Акром Шаробиддинов. – Хусусан, жорий йилнинг биринчи ярим йиллик якунига қўра, транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий сугурта қилиш бўйича 11,3 млрд. сўм сугурта мукофотларини жамлашга эришди ва ушбу йўналишда фаолият юритаётган сугурталовчилар ўртасида иккинчи ўринни эгаллади. Ташувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий сугурталаш бўйича эса компания томонидан 1,5 млрд. сўм сугурта мукофотлари жамланди ва ушбу йўналишда сугурталовчилар ўртасида биринчи ўринни эгаллади. Агар умумий натижаларга эътибор қаратсак, ярим йил ичида умумий сугурта тўловларининг ҳажми 14,0 млрд. сўмни ташкил этди.

Ўзбекистон Республикаси товар-хонашэ биржаси
2017 йил 18 сентябрдан 22 сентябргача бўлган
биржа (ички бозор) нархлари котировкаси

| Маҳсулотларнинг номи | Жорий котировка* (сўмда тонна-си учун) | Нархлардаги ўзгаришлар | | |
|---|---|------------------------|------------|--------|
| | | динамика | (сўмда) | (%) |
| Автобензин А-80 | 3 682 188 | ▼ | -412 246 | -10,1% |
| Автобензин А-91 | 5 638 747 | ▲ | 23 637 | 0,4% |
| Азотли-олтингурут ўғит (қопда) | 706 620 | ўзгармаган | 0 | 0% |
| Азот-фосфор ўғит (қопда) | 998 005 | ўзгармаган | 0 | 0% |
| Аммиакли селитра кальцийли (қопда) | 795 306 | ўзгармаган | 0 | 0% |
| Аммофос 46:10 (қадоқланмаган) | 1 520 767 | ▼ | -15 152 | -1,0% |
| Арматура 25 ст 35 ГС | 5 720 162 | ўзгармаган | 0 | 0% |
| Курилиш битуми БН 90/10 | 5 950 000 | ўзгармаган | 0 | 0% |
| Дизель ёқилғиси | 5 718 180 | ▲ | 203 991 | 3,7% |
| Курилишга оид оҳак 1-нав (қадоқланмаган) | 273 000 | ўзгармаган | 0 | 0% |
| Хлорланган калий (қопда) | 708 360 | ўзгармаган | 0 | 0% |
| Карбамид (қопда) | 627 500 | ▲ | 1 508 | 0,2% |
| Квадрат 16 ст 3 СП | 5 410 817 | ўзгармаган | 0 | 0% |
| Техник керосин | 5 015 000 | ▼ | -68 575 | -1,3% |
| Керамик гишт К-0 75 15, 250x120x65 мм (дона) | 430 | ўзгармаган | 0 | 0% |
| Озик-овқат сирка кислотаси 70% | 3 102 255 | ўзгармаган | 0 | 0% |
| Қумоқланмаган омухта ем | 2 710 000 | ўзгармаган | 0 | 0% |
| Доира 100 ст 3 СП | 2 589 995 | ўзгармаган | 0 | 0% |
| Линт 1-нав тип Б (класс олий) | 2 409 800 | ▲ | 220 801 | 10,1% |
| Линт 2-нав тип Б (класс олий) | 1 667 399 | ўзгармаган | 0 | 0% |
| Зангламайдиган лист х.к. AISI 304.304L 4X1250X2500 мм | 60 000 000 | ўзгармаган | 0 | 0% |
| Ўсимлик ёғи ПЭТ 1 л | 4 938 481 | ▼ | -66 402 | -1,3% |
| Индустриал мой И-50А (литр) | 7 130 | ўзгармаган | 0 | 0% |
| Синтетик мотор мойи Shell Helix Sw40 (дона) | 240 000 | ўзгармаган | 0 | 0% |
| Писта ёғи ПЭТ 0,935 гр (литр) | 10 500 | ўзгармаган | 0 | 0% |
| Рулонли гидроизоляцияцион том ёпиш материали (дона) | 140 000 | ўзгармаган | 0 | 0% |
| Мис ўрамаси | 54 000 266 | ▼ | -2 967 305 | -5,2% |
| Буғдой уни 1-нав | 892 735 | ▲ | 2 189 | 0,2% |
| Буғдой уни олий нав | 1 272 701 | ▼ | -7 407 | -0,6% |
| Хўжалик совуни 70% (дона) | 2 062 | ▲ | 279 | 15,6% |
| Натрий бикарбонат – ош содаси 1-нав (қопда) | 2 899 681 | ўзгармаган | 0 | 0% |
| Нефть парафини | 6 500 000 | ўзгармаган | 0 | 0% |
| Полипропилен FC-550 (SA) (АҚШ доллари) | 1 025 | ўзгармаган | 0 | 0% |
| Полиэтилен F-0120 | 11 774 010 | ▲ | 791 631 | 7,2% |
| Портландцемент ССПЦ М-400 (қопда) | 402 480 | ▼ | -10 797 | -2,6% |
| Сим 10 ст 45 | 5 755 999 | ўзгармаган | 0 | 0% |
| Ем учун дон 3-класс | 880 002 | ▼ | -2 | 0,0% |
| Ем учун дон 4-класс | 790 977 | ▲ | 3 630 | 0,5% |
| Ем учун дон 5-класс | 741 859 | ▲ | 13 353 | 1,8% |
| Шакар | 4 319 910 | ўзгармаган | 0 | 0% |
| Суюлтирилган газ | 1 355 525 | ▼ | -147 539 | -9,8% |
| Кальцийлаштирилган сода (қопда) | 1 042 233 | ▲ | 78 519 | 8,1% |
| Алюминий қотишмалари АК7 | 15 222 999 | ўзгармаган | 0 | 0% |
| Пўлат тунука г.к 6x1500x6000 | 7 490 000 | ▼ | -200 000 | -2,6% |
| Сайқалланган ойна М1-СВР қалинлиги 3,5 мм | 44 346 | ўзгармаган | 0 | 0% |
| Шишали банка 3 л (дона) | 2 278 | ▲ | 695 | 43,9% |
| Сулфат аммоний (қадоқланмаган) | 394 278 | ▲ | 437 | 0,1% |
| Калий сульфати (қадоқланмаган) | 5 673 000 | ўзгармаган | 0 | 0% |
| Суперфосфат (қадоқланмаган) | 487 806 | ўзгармаган | 0 | 0% |
| Труба 20x2,8 (метр) | 12 620 | ўзгармаган | 0 | 0% |
| Пўлат труба 114x3,5 ст 3 (метр) | 64 408 | ўзгармаган | 0 | 0% |
| Бурчак 30 ст 3 СП | 4 085 725 | ўзгармаган | 0 | 0% |
| Кўмир 2 БОМСШ-Б2 0-50 | 189 304 | ўзгармаган | 0 | 0% |
| Швеллер 16 | 8 400 000 | ўзгармаган | 0 | 0% |
| Пахта чигити шелухаси | 488 547 | ▲ | 4 689 | 1,0% |
| Шифер 8 тўлқинли | 32 216 | ▼ | -521 | -1,6% |
| Шрот (кунгабоқар) | 1 250 000 | ўзгармаган | 0 | 0% |
| Шрот (соя) | 3 360 000 | ▼ | -2 440 000 | -42,1% |
| Пахта чигити шроти (кунжараси) | 984 926 | ▲ | 145 926 | 17,4% |
| Арпа | 653 201 | ▼ | -30 891 | -4,5% |

* Маҳсулотлар котировкаси охириги ҳафтадаги савдо натижалари асосида шакллантирилади. Ҳисобот ҳафтаси давомида биржа савдоларига қўйилмаган ёки сотилмаган товарлар учун котировка бўлиб ўтган охириги савдолар натижалари асосида шакллантирилади.

Биржа листингини ўтказиш тартибига кўра, сўнгги 3 ойда товарга талаб бўлмаган, ушбу товар билан битимлар мунтазам тузилмаган тақдирда маҳсулот биржа котировка вағаридан чиқарилади.

Ахборот ва статистика бўлими томонидан Ўзбекистон Республикаси товар-хонашэ биржаси (www.uzex.uz) материаллари асосида тайёрланди.

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки томонидан
2017 йил 26 сентябрдан бошлаб ўрнатилган
хорижий валюталарнинг сўмга
нисбатан расмий курси

| Валюта номи | Курс | Курсдаги ўзгаришлар | | |
|-------------------------|-----------|---------------------|---------|--------|
| | | динамика | (сўмда) | (%) |
| 1 АҚШ доллари | 8 066,96 | ▼ | -10,52 | -0,13% |
| 1 Евро | 9 626,30 | ▼ | -19,83 | -0,21% |
| 1 Россия рубли | 140,05 | ▼ | -0,17 | -0,12% |
| 1 Хитой юани | 1 221,75 | ▼ | -11,94 | -0,97% |
| 1 Чехия кронаси | 369,72 | ▼ | -0,21 | -0,06% |
| 1 Венгрия форинти | 31,09 | ▼ | -0,12 | -0,38% |
| 1 Ҳиндистон рупийси | 124,58 | ▼ | -1,62 | -1,28% |
| 1 Эрон риали | 0,24 | - | 0 | 0 |
| 1 Исроил шекели | 2 310,46 | ▲ | 15,33 | 0,67% |
| 1 Япония иенаси | 71,87 | ▼ | -0,81 | -1,11% |
| 1 Кўзоғистон тенгеси | 23,65 | ▼ | -0,17 | -0,71% |
| 1 Жанубий Корея вони | 7,14 | ▼ | -0,03 | -0,42% |
| 1 Кувайт динари | 26 764,96 | ▼ | -61,61 | -0,23% |
| 1 Қирғизистон соми | 117,59 | ▲ | 0,01 | 0,01% |
| 1 Малайзия рингити | 1 924,83 | ▼ | -6,20 | -0,32% |
| 1 Канада доллари | 6 543,61 | ▼ | -87,06 | -1,31% |
| 1 Сингапур доллари | 5 991,95 | ▼ | -18,97 | -0,32% |
| 1 Швейцария франки | 8 313,88 | ▼ | -101,04 | -1,20% |
| 1 БАА дирҳами | 2 196,41 | ▼ | -2,74 | -0,12% |
| 1 Миср фунти | 457,57 | ▼ | -0,34 | -0,07% |
| 1 Англия фунт стерлинги | 10 921,86 | ▼ | -57,86 | -0,53% |
| 1 Австралия доллари | 6 423,72 | ▼ | -60,88 | -0,94% |
| 1 Туркменистон манати | 2 311,12 | ▼ | -3,01 | -0,13% |
| 1 Янги турк лираси | 2 304,85 | ▼ | -45,85 | -1,95% |
| 1 СДР | 11 446,21 | ▼ | -18,97 | -0,17% |
| 1 Афғонистон афғониси | 118,08 | ▲ | 0,21 | 0,18% |
| 1 Тожикистон сомони | 916,70 | ▼ | -1,81 | -0,20% |
| 1 Беларус рубли | 4 178,04 | ▲ | 5,79 | 0,14% |
| 1 Болгария леви | 4 922,48 | ▼ | -11,54 | -0,23% |
| 1 Бангладеш такаси | 99,85 | ▼ | -0,33 | -0,33% |
| 1 Украина гривнаси | 307,08 | ▼ | -1,34 | -0,43% |
| 1 Грузия лариси | 3 260,04 | ▼ | -16,83 | -0,51% |
| 1 Польша злотийси | 2 255,36 | ▼ | -0,42 | -0,02% |
| 1 Бразилия реали | 2 581,51 | ▼ | -16,67 | -0,64% |

«Ўзбекчармпойабзали»
салоҳияти намоёиш этилди

(Давоми. Бошланиши
4-бетда).

Мамлакатимизда чармпойабзал маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ривожлантиришда хонашэ борасида етарли салоҳият мавжуд. Президентимизнинг «2016-2020 йилларда чармпойабзал sanoатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида»ги Қарори эса ишлаб чиқариш корхоналарини изчил модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш, хорижий ҳамкорлар учун қўлай инвестициявий муҳитни яратишда ҳуқуқий асос бўлмоқда.

Бугунги кунда республикада 770 га яқин корхона терини қайта ишлаш, чармпойабзал ҳамда пойабзал маҳсулотлари ишлаб чиқариш билан шуғулланмоқда, 50 турдаги спорт маҳсулотлари ишлаб чиқариш маҳаллийлаштирилган. Эътиборли жиҳати, кейинги йилларда ушбу тармоқда экспорт ҳам ривожланиб бормоқда. Бирги-

на 2016 йилда республикадан 115 млн. АҚШ долларилик тайёр ва ярим тайёр маҳсулотлар ташқи бозорга чиқарилди.

Кўрғазма доирасида замонавий чармпойабзал ишлаб чиқаришнинг микробиологик жиҳатлари, тўқимачилик маҳсулотларининг кенг мажмуи ҳамда инновацион лойиҳалар, шунингдек, пойабзаллар учун техник маҳсулотларни ишлаб чиқарувчи етакчи хорижий давлатлар компаниялари фаолиятига бағишланган тақдимотлар ўтказилди.

Унда маҳаллий ишлаб чиқарувчилардан «Amir Ul Bahr VMG» МЧЖ (Самарқанд), «Mini Teks» (Андижон) ҳамда «Киндер Қўқон» (Фарғона) хусусий корхоналари фаол иштирок этди.

Кўрғазма давомида янги маҳсулотлар тақдимотлари, маҳорат дарслари, шунингдек, энг яхши маҳсулотлар танлови ҳам ўтказилди.

Ширин БАЙСЕНОВА.

СТАТИСТИКА

11

«Тошкент» РФБ нархлари индекси

| Сана | Нарх | Ўзгариш | ҚҚ сони (бирликда) | Савдолар ҳажми (сўмда) |
|---------------------|----------|---------|--------------------|------------------------|
| УСИ | | | | |
| 25.09.2017 | 995,23 | 0 | 71 183 | 122 081 500 |
| 22.09.2017 | 995,23 | 0 | 107 890 | 539 346 500 |
| 21.09.2017 | 995,23 | 0 | 2 129 | 37 757 700 |
| 20.09.2017 | 995,23 | 0 | 4 630 | 10 720 000 |
| 19.09.2017 | 995,23 | 0 | 247 380 | 247 380 |
| 18.09.2017 | 995,23 | 0 | 4 996 | 12 574 620 |
| 15.09.2017 | 995,23 | ▲ 0.06 | 3 348 | 3 399 900 |
| 14.09.2017 | 995,17 | 0 | 10 999 | 216 283 000 |
| 13.09.2017 | 995,17 | ▲ 0.66 | 153 801 | 157 277 200 |
| 12.09.2017 | 994,51 | 0 | 289 996 | 467 160 245 |
| 11.09.2017 | 994,51 | 0 | 7 589 | 8 974 590 |
| Молия сектори | | | | |
| 25.09.2017 | 978,38 | 0 | 71 153 | 121 181 500 |
| 22.09.2017 | 978,38 | 0 | 107 700 | 537 270 000 |
| 21.09.2017 | 978,38 | 0 | 0 | 0 |
| 20.09.2017 | 978,38 | 0 | 0 | 0 |
| 19.09.2017 | 978,38 | 0 | 0 | 0 |
| 18.09.2017 | 978,38 | 0 | 0 | 0 |
| 15.09.2017 | 978,38 | 0 | 0 | 0 |
| 14.09.2017 | 978,38 | 0 | 200 | 3 800 |
| 13.09.2017 | 978,38 | 0 | 147 249 | 147 249 000 |
| 12.09.2017 | 978,38 | 0 | 284 975 | 461 559 525 |
| 11.09.2017 | 978,38 | 0 | 0 | 0 |
| Саноат | | | | |
| 25.09.2017 | 1 025,65 | 0 | 0 | 0 |
| 22.09.2017 | 1 025,65 | 0 | 160 | 1 176 500 |
| 21.09.2017 | 1 025,65 | 0 | 0 | 0 |
| 20.09.2017 | 1 025,65 | 0 | 0 | 0 |
| 19.09.2017 | 1 025,65 | 0 | 247 380 | 247 380 |
| 18.09.2017 | 1 025,65 | 0 | 0 | 0 |
| 15.09.2017 | 1 025,65 | ▲ 0.36 | 168 | 188 100 |
| 14.09.2017 | 1 025,29 | 0 | 0 | 0 |
| 13.09.2017 | 1 025,29 | 0 | 182 | 4 550 000 |
| 12.09.2017 | 1 025,29 | 0 | 1 650 | 1 650 010 |
| 11.09.2017 | 1 025,29 | 0 | 300 | 1 222 800 |
| Курилиш сектори | | | | |
| 25.09.2017 | 856,95 | 0 | 0 | 0 |
| 22.09.2017 | 856,95 | 0 | 0 | 0 |
| 21.09.2017 | 856,95 | 0 | 0 | 0 |
| 20.09.2017 | 856,95 | 0 | 0 | 0 |
| 19.09.2017 | 856,95 | 0 | 0 | 0 |
| 18.09.2017 | 856,95 | 0 | 0 | 0 |
| 15.09.2017 | 856,95 | 0 | 0 | 0 |
| 14.09.2017 | 856,95 | 0 | 110 | 143 000 |
| 13.09.2017 | 856,95 | 0 | 0 | 0 |
| 12.09.2017 | 856,95 | 0 | 250 | 305 000 |
| 11.09.2017 | 856,95 | 0 | 0 | 0 |
| Агросаноат мажмуаси | | | | |
| 25.09.2017 | 1 361,84 | 0 | 0 | 0 |
| 22.09.2017 | 1 361,84 | 0 | 0 | 0 |
| 21.09.2017 | 1 361,84 | 0 | 1 136 | 32 716 800 |
| 20.09.2017 | 1 361,84 | 0 | 0 | 0 |
| 19.09.2017 | 1 361,84 | 0 | 0 | 0 |
| 18.09.2017 | 1 361,84 | 0 | 0 | 0 |
| 15.09.2017 | 1 361,84 | 0 | 0 | 0 |
| 14.09.2017 | 1 361,84 | 0 | 7 389 | 212 803 200 |
| 13.09.2017 | 1 361,84 | ▲ 34.40 | 6 370 | 5 478 200 |
| 12.09.2017 | 1 327,44 | 0 | 0 | 0 |
| 11.09.2017 | 1 327,44 | 0 | 0 | 0 |
| Ижтимоий соҳа | | | | |
| 25.09.2017 | 1 062,10 | 0 | 0 | 0 |
| 22.09.2017 | 1 062,10 | 0 | 0 | 0 |
| 21.09.2017 | 1 062,10 | 0 | 963 | 4 140 900 |
| 20.09.2017 | 1 062,10 | 0 | 4 600 | 9 820 000 |
| 19.09.2017 | 1 062,10 | 0 | 0 | 0 |
| 18.09.2017 | 1 062,10 | 0 | 4 966 | 11 674 620 |
| 15.09.2017 | 1 062,10 | 0 | 3 180 | 3 211 800 |
| 14.09.2017 | 1 062,10 | 0 | 3 300 | 3 333 000 |
| 13.09.2017 | 1 062,10 | 0 | 0 | 0 |
| 12.09.2017 | 1 062,10 | 0 | 3 121 | 3 645 710 |
| 11.09.2017 | 1 062,10 | 0 | 7 279 | 7 351 790 |
| Бошқа соҳалар | | | | |
| 25.09.2017 | 1 445,73 | 0 | 30 | 900 000 |
| 22.09.2017 | 1 445,73 | 0 | 30 | 900 000 |
| 21.09.2017 | 1 445,73 | 0 | 30 | 900 000 |
| 20.09.2017 | 1 445,73 | 0 | 30 | 900 000 |
| 19.09.2017 | 1 445,73 | 0 | 0 | 0 |
| 18.09.2017 | 1 445,73 | 0 | 30 | 900 000 |
| 15.09.2017 | 1 445,73 | 0 | 0 | 0 |
| 14.09.2017 | 1 445,73 | 0 | 0 | 0 |
| 13.09.2017 | 1 445,73 | 0 | 0 | 0 |
| 12.09.2017 | 1 445,73 | 0 | 0 | 0 |
| 11.09.2017 | 1 445,73 | 0 | 10 | 400 000 |

«Тошкент» РФБ савдолари якуни

| Сана | Эмитент | Май-дон | Савдо нархи | ҚҚ сони | Савдолар ҳажми (сўмда) |
|------------|-------------------------------|---------|-------------|---------|------------------------|
| 21.09.2017 | «Олчазор Азия» АЖ | G1 | 30000 | 30 | 900 000 |
| 21.09.2017 | «Дори-Дармон» АК | G1 | 4300 | 1 041 | 4 476 300 |
| 21.09.2017 | «Гулистон Экстракт Ёғ» АЖ | G1 | 28 800 | 590 | 16 992 000 |
| 21.09.2017 | «Гулистон Экстракт Ёғ» АЖ | G1 | 28 800 | 32 | 921 600 |
| 21.09.2017 | «Гулистон Экстракт Ёғ» АЖ | G1 | 28 800 | 137 | 3 945 600 |
| 21.09.2017 | «Гулистон Экстракт Ёғ» АЖ | G1 | 28 800 | 200 | 5 760 000 |
| 21.09.2017 | «Гулистон Экстракт Ёғ» АЖ | G1 | 28 800 | 638 | 18 374 400 |
| 21.09.2017 | «Гулистон Экстракт Ёғ» АЖ | G1 | 28 800 | 60 | 1 728 000 |
| 21.09.2017 | «Гулистон Экстракт Ёғ» АЖ | G1 | 28 800 | 334 | 9 619 200 |
| 22.09.2017 | «Универсал банк» ХАТБ | G1 | 5000 | 3 750 | 18 750 000 |
| 22.09.2017 | «Олчазор Азия» АЖ | G1 | 30000 | 30 | 900 000 |
| 22.09.2017 | «Тошкентвино комбинати» ИИ АЖ | NC | 25000 | 50 | 1 250 000 |
| 22.09.2017 | «Оникс» АЖ | G1 | 4550 | 100 | 455 000 |
| 22.09.2017 | «Ўзсаноатқурилишбанк» АТБ | G1 | 20 | 5 180 | 103 600 |
| 22.09.2017 | «Равнақ-банк» ХАТБ | G1 | 900 | 150 | 135 000 |
| 25.09.2017 | «Олчазор Азия» АЖ | G1 | 30000 | 30 | 900 000 |
| 25.09.2017 | «Туркистон» ХАТБ | G1 | 1 000 | 57 196 | 57 196 000 |
| 25.09.2017 | «Универсал банк» ХАТБ | G1 | 5 000 | 7 700 | 38 500 000 |
| 25.09.2017 | «Ипотека-банк» АТИБ | G1 | 0,95 | 95 546 | 90 769 |
| 25.09.2017 | «Туркистон» ХАТБ | G1 | 1 000 | 57 196 | 57 196 000 |
| 25.09.2017 | «Ўзбекгеофизика» АЖ | G1 | 500 | 10 | 5 000 |
| 25.09.2017 | «Ўзсаноатқурилишбанк» АТБ | G1 | 20 | 5 180 | 103 600 |

САВДОЛАР ҲАЖМИ БЎЙИЧА БРОКЕРЛИК ИДОРЛАРИ ТОП-10ЛИГИ, 30 кун давомида

| № БИ - | Эмитент | Савдолар ҳажми (сўмда) |
|--------------|---------------------------------|------------------------|
| № БИ - 00443 | «Kapital-Depozit» МЧЖ | 8 945 571 000 |
| № БИ - 00455 | «Universal Depozit» МЧЖ | 2 300 346 200 |
| № БИ - 00450 | «BBD» МЧЖ | 1 270 252 295 |
| № БИ - 00412 | «Orient securities» МЧЖ | 799 199 110 |
| № БИ - 00447 | «Mulk-Sarmoya Brokerlik uyi» АЖ | 681 425 000 |
| № БИ - 00453 | «FULL STOCK GROUP» МЧЖ | 512 827 200 |
| № БИ - 00382 | «DALAL STANDARD» МЧЖ | 162 084 200 |
| № БИ - 00446 | «OSIYO SARMOYA DEPO» МЧЖ | 141 317 450 |
| № БИ - 00444 | «Ishonch LTD» МЧЖ | 86 414 400 |
| № БИ - 00454 | «Portfolio Investments» МЧЖ | 57 114 830 |

БИТИМЛАР СЕНИ БЎЙИЧА БРОКЕРЛИК ИДОРЛАРИ ТОП-10ЛИГИ, 30 кун давомида

| № БИ - | Эмитент | Битимлар сони (бирликда) |
|--------------|---------------------------------|--------------------------|
| № БИ - 00444 | «Ishonch LTD» МЧЖ | 77 |
| № БИ - 00447 | «Mulk-Sarmoya Brokerlik uyi» АЖ | 73 |
| № БИ - 00453 | «FULL STOCK GROUP» МЧЖ | 67 |
| № БИ - 00454 | «Portfolio Investments» МЧЖ | 64 |
| № БИ - 00443 | «Kapital-Depozit» МЧЖ | 61 |
| № БИ - 00382 | «DALAL STANDARD» МЧЖ | 41 |
| № БИ - 00450 | «BBD» МЧЖ | 29 |
| № БИ - 00439 | «ТошИнвестКом» ХК | 27 |
| № БИ - 00460 | «TAT REESTR» МЧЖ | 20 |
| № БИ - 00412 | «Orient securities» МЧЖ | 15 |

БИТИМЛАР АЙЛАНМАСИ БЎЙИЧА ЛИСТИНГ КОМПАНИЯЛАРИ ТОП-10ЛИГИ, 30 кун давомида

| Эмитент | Номинал қиймати (сўмда) | Савдолар ҳажми (сўмда) |
|-------------------------------------|-------------------------|------------------------|
| «Сурхонозиқовқатсаноати» АЖ | 3 414 | 7 871 652 450 |
| «Туркистон» ХАТБ | 1 000 | 4 985 451 000 |
| «Универсал банк» ХАТБ | 5 000 | 778 975 000 |
| «Гулистон Экстракт Ёғ» АЖ | 1999 | 504 043 200 |
| «Туронбанк» АТБ | 1 700 | 152 372 500 |
| «Ипак йўли» АИТБ | 10 | 138 375 600 |
| «Марғилон Файз савдо комплекси» АЖ | 1 000 | 52 221 040 |
| «Қишлоқ қурилиш банк» АТБ | 119,25 | 20 605 685 |
| «Агробанк» АТБ | 1167 | 20 224 110 |
| «Когон ёғ-экстракция заводи» ПИИ АЖ | 400,00 | 19 747 200 |

БИТИМЛАР СЕНИ БЎЙИЧА ЛИСТИНГ КОМПАНИЯЛАРИ ТОП-10ЛИГИ, 30 кун давомида

| Эмитент | Номинал қиймати (сўмда) | Битимлар сони (бирликда) |
|------------------------------------|-------------------------|--------------------------|
| «Марғилон Файз савдо комплекси» АЖ | 1 000 | 67 |
| «Гулистон Экстракт Ёғ» АЖ | 1 999 | 41 |
| «Гулистон Экстракт Ёғ» АЖ | 1 999 | 37 |
| «Туркистон» ХАТБ | 1 000 | 27 |
| «Универсал банк» ХАТБ | 5 000 | 14 |
| «Тошкентвино комбинати» ИИ АЖ | 4 000 | 10 |
| «Ўзсаноатқурилишбанк» АТБ | 19 | 9 |
| «Туронбанк» АТБ | 1 750 | 6 |
| «Дори-Дармон» АК | 4 300 | 6 |
| «Оникс» АЖ | 4 550 | 5 |

АКТ имкониятлари намойиши

Пойтахтимизда ахборот-коммуникация технологиялари (АКТ) соҳасида кўлга киритилган сўнгги ютуқлар тақдиримизга бағишланган «ICTWEEK Uzbekistan – 2017» анъанавий ахборот-коммуникация технологиялари ҳафталиги бўлиб ўтди.



Мамлакатимизда АКТнинг жадал ривожланиб бораётгани илгари кўп вақт, маблаг ва меҳнат талаб қилган жараёнларни оптималлаштириш имконини бермоқда. Бу борада 2004 йилдан буён ўтказиб келинаётган анъанавий «ICTWEEK Uzbekistan» АКТ ҳафталиги муҳим аҳамият касб этмоқда.

Хар йилгидек, жорий йилда ҳам ҳафталик жуда кенг миқёсда ўтказилди. Унинг доирасида «ICTSUMMIT – 2017», «CIOSUMMIT», «ICTEXPO – 2017», «ICT FORUM – 2017» каби йирик тадбирлар ташкил қилинди.

Хусусан, «ICTSUMMIT – 2017»да рақамли иқтисодиёт трендлари, глобал рақамли трансформацияси доирасида АКТнинг фундаментал ривожланиши, «4.0 индустрияси», кенг полосали интернет-фойдаланишнинг АКТ инфратузилмасига таъсири, рақамли иқтисодиётда сунъий интеллектнинг ўрни каби масалалар муҳокама қилинди. Саммит ишида АКТ, тижорат, молия ва иқтисодиёт соҳаларида илмий-амалий изланишлар олиб бораётган хорижий мутахассислар ва олимларнинг чиқишлари тингланди.

«Ўзэкспомарказ» миллий

кўرғазма мажмуасида бўлиб ўтган анъанавий «ICTEXPO – 2017» ахборот-коммуникация технологиялари миллий кўрғазмасида эса мамлакатимиз ва жаҳон ахборот хизматлари бозоридаги энг замонавий тизим ва технологиялар намойиш қилинди. Унда юқори технологияли маҳсулотлар, жумладан, дастурий таъминот, компьютер техникаси, шунингдек, мобил алоқа ва маълумот узатиш хизматлари тақдим этилди.

Буюмлар интернетига учун платформа (IoT), машина таълими, рақамли трансформацияга бағишланган маърузалар, cio.uz лойиҳаси

тақдиримизга бағишланган «CIOSUMMIT» ҳафталик дастуридан ўрин олган муҳим тадбир бўлди. Унинг доирасида халқаро электр алоқалар иттифоқининг «IoT» буюмлар интернетига соҳаси киберхавфсизлиги кенг муҳокама этилди. Хусусан, Украина, Россия, Молдова ҳамда Қозоғистондан таширф буюрган олим ва мутахассислар, дунёда етакчи бўлган компаниялар вакиллари киберхавфсизлик масалаларида давлат ва халқаро ҳамкорликнинг аҳамияти ҳақида сўз юритиб, танқидий ахборот инфратузилмасини ҳимоя қилиш усуллари ҳамда

кибертаҳдид билан курашишда ўзаро ҳамжиҳатлик, тажриба алмашув масалаларини муҳокама этдилар.

Ҳафталик давомида «ICT FORUM – 2017» тадбири ҳам ўтказилди. Ўзбекистонда АКТ ва «Электрон ҳукумат» тизимини янада ривожлантириш истиқболларини белгилаш, хорижий олим ва тадқиқотчилар билан тажриба алмашиб, АКТнинг ижтимоий-иқтисодий жараёнларга таъсири муҳокама қилиш ва ахборот хавфсизлигини таъминлаш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқиш мақсадида ташкил этилган ушбу йирик анжуманда 40 дан

ортиқ маърузалар тингланди.

Тадбир шўба йиғилишларининг бирида молия соҳасидаги рақамли трансформация мавзуси муҳокама ва мунозараларга бой ўтди. Унда хорижий соҳа экспертлари иқтисодиётнинг рақамли трансформацияси истиқболлари ва трендлари, Жаҳон банкининг рақамли иқтисодиёт борасидаги ташаббуси, банк секторининг рақамли трансформацияси, давлат хизматлари учун лаҳзали ва онлайн-тўловлар, молия трансформацияси соҳасидаги ечимлар ва илгор технологияларга бағишланган маърузаларини тақдим этди.

– Ўзбекистонда рақамли иқтисодиётни ривожлантириш сазъ-ҳаракатлари фаол олиб борилапти, – дейди **Жаҳон банкининг рақамли стратегия бўйича маслаҳатчиси Судан Рандип**. – Бу тижорат банклари фаолиятида яққол кўзга ташланапти. Шунингдек, рақамли иқтисодиётни қўллаб-қувватлаётган ислохотлар юртингизда бошқа соҳалар, хусусан, кичик бизнесни ривожлантиришга ҳам хизмат қилмоқда. Бу мамлакат иқтисодиётининг ўсиш суръатларини жадаллаштиришга олиб келади.

Наргиз АХМЕДОВА.

Тўлов карталари бўйича глобал миқёсдаги ўсиш кузатилмоқда

2022 йилга келиб муомалага чиқариладиган тўлов карталарининг сони глобал миқёсда 17 млрд.гача ошади. Ўтган йили бу кўрсаткич 14 млрд. донани ташкил этган эди.

Ушбу маълумотлар «RBR консалтинг» компанияси томонидан чоп этилган «Global Payment Cards Data and Forecasts to 2022» ҳисоботида келтирилган. Ҳисоботга кўра, 2016 йилда тўлов карталарининг сони 8 фоизга ошган бўлса, 2022 йилга келиб бу кўрсаткич 22 фоизга етиши кутилмоқда.

Энг оммабоп карта тури бўлган дебет карталар муомалага чиқарилган барча карталар улушининг 71 фоизига тўғри келмоқда.

Пластик карталар ишлаб чиқарилишининг тез суръатларда ўсиши ривожланаётган давлатлар – Хитой ва Хиндистонда банк ҳисоб рақамлари сони кўпайиши билан боғлиқ.

Шунингдек, RBR ҳисоботида бу кўрсаткич Осиё-Тинч океани, Яқин Шарқ ва Лотин Америкаси ҳудудларида ривожланаётган бозордаги молиявий интеграция лойиҳалари ёрдамида

ўсиб бораётгани таъкидланди. Одатда кўпчилик банк тизимининг иштирокчисига айланганидан сўнг, берилган дебет карта уларнинг илк тўлов карталари эканлиги маълум бўлган.

Ривожланган давлатларда карта орқали тўловларни амалга ошириш кўрсаткичларининг ўсиши асосан ёш фойдаланувчилар ҳисобига рўй бермоқда. Жумладан, Буюк Британияда эмитент-компаниялар 11 ёшдаги болалар учун дебет карталарга эгалик қилишни тақлиф қилади.

Маълум бўлишича, дебет карталарга нисбатан кредит карталарнинг оммабоплик кўрсаткичи тушиб бормоқда. 2016 йилда кредит карталарнинг бозордаги улуши 2 фоизга қисқариб, 20 фоизни ташкил қилди. Мутахассислар фикрига кўра, бундай тамойил келажакда давом этади.

Жасур МИРЗАЕВ.

101 огоҳлантиради!

Куз-қиш мавсумига тайёргарлик

Юнусобод тумани ЁХБ ходимлари томонидан туман ҳудудида содир бўлиши мумкин бўлган ёнгинларнинг олдини олиш бўйича фаол ишлар олиб борилмоқда.

Шу жумладан, хонадонлар ва кўп қаватли уйларда бўлиб, аҳоли ўртасида содир бўлаётган ёнгинлар ва уларнинг оқибатлари ҳақида тушунтириш ишлари олиб бориш билан бир қаторда ўзини ўзи бошқариш органлари, профилактика нозирлари билан ҳамкорликда кўпдан бери тўпланиб қолган қуриган ҳазон, шох-шабба, маиший чиқиндиларни олиб чиқиб кетиш чоралари кўрилмоқда. Айнан шу йиғилиб қолган қуриган ҳазон, шох-шаббалар, болаларнинг шўхлик қилиб олов билан уйнаши, сигарета чекишдаги эҳтиётсизлиги ёнгин келиб чиқишига олиб келмоқда.

Ҳозирда кузги-қиш мавсумига тайёргарлик кўриш чора-тадбирлари қизғин кетмоқда. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан жорий йил 30 мартда республика иқтисодиёти тармоқларини 2017-2018 йиллар куз-қиш даврида барқарор ишлашга тайёрлашни таъминлаш юзасидан қабул қилинган Қарор талаб-

ларини бажариш мақсадида ҳамда ёнгиннинг олдини олиш йўлида аҳоли турар жойларида ёнгин ҳамфисзлигини ва инсонлар хавфсизлигини таъминлаш борасида Юнусобод тумани ЁХБ ходимлари томонидан туман электр тармоқлари корхонаси, туман газ хизматлари билан ҳамкорликда чора-тадбирлар белгиланган. Аҳоли турар жой биноларида эксплуатация тизими, газдан оқилона фойдаланиш, газ қувурларини ўз вақтида тозалаш, қувурларни ўтказишда лойиҳалаш, техник кўриқдан ўтмаган қозонхоналарни ишлатишни тақиқлаш, газ ва электр энергиясидан ноқонуний фойдаланиш ҳолатларига чек қўйиш мақсадида ички ишлар, газ ва электр идоралари ходимлари томонидан ҳамкорликда амалга оширилиши лозим бўлган ташкилий ва амалий тадбирлар олиб борилмоқда.

Шерзод ИСЛОМОВ,
Юнусобод тумани ЁХБ инспектори, кичик сержант.

БАНК АХБОРОТНОМАСИ

АХБОРОТ-ТАҲЛИЛИЙ ГАЗЕТА

ҲАМКОРЛАРИМИЗ ВА МУАССИС

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки

«Norma Bank» МЧЖ

«Moliya yangiliklari agentligi» МЧЖ

БОШ МУҲАРРИР

А.Н. НАЗАРОВ

Наشر учун масъул

З.М. ЭРНАЗАРОВА

ЧОП ЭТИШГА ТАЙЕРЛОВЧИ

«Moliya yangiliklari agentligi» МЧЖ

ДИРЕКТОР

Р.Л. ВАЛИЕВ

Газета таҳририятининг техник
ускуналарида саҳифаланди.

АХБОРОТ КУМАГИ

ЎЗА, «Туркистон-пресс» НАА

ТАҲРИРИЯТ МАЗИЛИ:

100060, Тошкент ш.,

Шаҳрисабз кўчаси, 23-уй.

e-mail: info@banknews.uz,

www.banknews.uz

Реклама ва эълонлар учун

232-45-32 телефони

орқали мурожаат қилинг.

Факс: 232-43-98.

Юридик шахслар учун нашр индекси – 102.

Жисмоний шахслар учун нашр индекси – 377.

Таҳририятнинг фақат ёзма розилиги билан «Банк ахборотномасида» эълон қилинган материалларни кўчириб босишга ижозат берилмайди. Кўплэмалар тақриз қилинмайди ва қайтарилмайди.

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2012 йил 10 январда 0065-гартиб рақами билан рўйхатга олинган.

Газета ҳафтада бир марта пайшанба кунини чиқади.

Буюртма № 1162.

Адади 4753 нуска.

Нархи шартнома воссоди.

Газета АЗ ҳақмида, 3 шартли босма табоқда чоп этилди.

Босишга рухсат этилди: 27.09.2017 й., 9:00.